

# ИСЛОМДА МЕРОС

﴿الميراث في الإسلام﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي]

**Абу Иsom Нуриддин Муслиҳиддин Бухорий**

**Таржимон:** Абу Абдулбосит Шокирхўжса Андижоний

2010 – 1431

islamhouse<sup>.com</sup>

# ﴿الميراث في الإسلام﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

أبو عصام نور الدين مصلح الدين البخاري

مترجم: شاكر خوجة الأنديجانى

2010 – 1431

islamhouse.com

**Абу Исом Нуриддин Муслихиддин БУХОРИЙ**

## **ИСЛОМДА МЕРОС**

*(Рисола)*

*Таржимон:*

*Абу Абдулбосит Шокирхўжаса  
АНДИЖОНИЙ*

*Тузатилган ва қайта ишланган иккинчи нашири*

**Аллоҳ йўлида бепул,  
сотган гуноҳкор бўлади!**

МАККАИ МУКАРРАМА – 1426х. / 2005м.

## Tақдим:

*Аллох субҳонаху ва таоло  
умрингизни зиёда этиб, ҳар хил  
ҳодисотлардан Ўз паноҳида асрасин!  
Омийн, йо Робба-л-оламийн!*

*Нур и додин,  
Шокур Хўжа*

**Рисола саҳифаларида Құр’они карим ояллари ва Расүлүллох  
сөллаллоху алаіхү ва салламнинг ҳадиси шарифлари  
бителгани сабабли, уни ножоиз жойга қўймасликка даъват  
этамиз!!!**

\* \* \*

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсинким, ушибу  
рисоланинг биринчи нашири 1424/2003 й. Маккайи мукаррамада 10000  
нусхада чоп этилиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги диёrlаридан  
ҳаже ва умра зиёратига келган юртдошлиаримизга Аллоҳ субҳонаҳу ва  
таоло иўлида ҳадая қилиб тарқатиши шарафига муюссар бўлинди...

## **Таржимондан:**

*Аллоҳ субҳонаху ва таолога ҳамду санолар бўлсинким, Ул Зотнинг фазлу карами ва инояти ила ушибу рисола муаллифнинг бевосита назорати ва кўмаги билан ҳамкорликда таржима этилди. Мазкур жараён мобайнида, китобдаги айрим мавзу ва мисоллар бироз қисқартирилди ёки кенгайтирилди ва баъзи ҳолларда эса, тушириб қолдирилди ёки қайта ёзилди.*

*Кур’они карим оятларининг таржимасида Шайх Алоуддин МАНСУР ҳазратларининг 2001 йили Бишкекда чоп этилган китобидан фойдаланилди.*

*Мерос илмига оид арабча калима ва ибораларнинг бир қисмига она тилимизда мос эквиваленти мавжуд бўлмагани сабабли, уларга изоҳ берилиб, айнан қўллашга мажбур бўлдик. Ўйлаймизки, уларни амалда истифода этиши жараёнида мазкур иборалар ўзлашиб боради ва натижада, ўзбек тилимиз янада бойишига сабаб бўлади. Шунингдек, айрим изоҳталааб исм ва ибораларга рисола охирида изоҳ берилиб, алифбо бўйича жойлаштирилди, ҳамда керакли мисолни излаб топиш осон бўлсин учун барча мисоллар алифбога солиниб, илова қилинди.*

*Хурматли китобхонлардан илтимосимиз шулки, мерос тақсимини ҳаётга татбиқ этишида мазкур қўлланмадан бирор кимса манфаатини кўзламаган ҳолда, уламолар билан бамаслаҳат истифода этадлар, деб умид қиласиз.*

*Рисоланинг ўзбекча нашр этилишида бевосита ва билвосита ёрдамлари билан ўз ҳиссаларини қўшиган барча дўст-биродарларга ташаккур изҳор этамиз.*

*Парвардигор барчамизга инсофу тавфиқ неъматидан баҳраманд этиб, гуноҳларимизни мағфират этишини тилаб қоламиз.*

**Омийн, йо Роббал-оламийн!**



الحمد لله والصلوة والسلام على رسول الله وعلى آله وصحبه ومن والاه  
وبعد ...

## МУҚАДДИМА

Бизни мусулмон қилиб яратган ва Қур’они каримда мерос тақсимлаш йўлини кўрсатиб берган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

Шунингдек, тақводорлар пешвоси, башарият саййиди, ҳабибимиз ва шафоаткоримиз – оламлар Парвардигорининг Расулига, унинг оиласи ва барча саҳобийларига Аллоҳнинг салавоти ва саломлари бўлсин.

Эй Парвардигорим, биз учун фойдали бўлган илмларни ўргатгил ва бизни ўргатган илмларингдан баҳраманд этгил, ҳамда раҳмат хазинангдан ризқлантиргил, эй Сахий, эй Карийм бўлган Зот !!!

Аммо баъд...

Ҳозирги даврда мерос масалаларида оила аъзолари ва қариндошлар ҳак-хукукларини белгилаб берадиган манбанинг ўзбек тилида камёблигини назарда тутган ҳолда, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг кўмаги ва ёрдами билан «Исломда мерос» номли ушбу рисолани тартиб этишга қарор қилдик. Мазкур баҳсимизни муваффакият билан камолига етказишни Тангри таолодан сўраймиз, зеро У барча нарсага Қодир бўлган Зотдир.

*Илмул-фароиз* (меросни тақсимлаш илми) борасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир қанча ҳадиси шариғлар мавжуд бўлиб, жумладан:

Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос розияллоҳу таоло анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят киладилар: «Илм учта, улар: 1) муҳкам (аниқ-равшан) ояти карималар, 2) ҳаётга татбиқ қилинадиган суннатлар ва 3) адолат билан тақсим этилган мерос (илми)дан иборат бўлиб,

ундан қолганлари қўшимчадир». (Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).

Ибн Масъуд розияллоҳу таоло анху **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам**дан ривоят қиласидар: «*Илми “фароиз”ни ўрганинглар ва уни одамларга ўргатинглар, мен ҳам ўткувчи инсонман. Илмлар йўқолади, фитналар пайдо бўлиб, ҳаттотки бир “фариза” ҳакида икки киши баҳс қилганларида уларни ажрим қилувчи кимса топилмай қолади*». (Имом Аҳмад, Имом ат-Тирмизий ва Имом ал-Ҳоким ривоятлари).

Абу Ҳурайра розияллоҳу таоло анхудан ривоят қилинади: «*Фароиз илмини ўрганинглар ва уни бошқаларга ўргатинглар, зеро у бор илмнинг ярми бўлиб, умматларим орасидан энг аввал кўтарилиб кетадиган илмдир*». Яъни, илм тўла китоблар мавжуд бўла туриб, кишилар унга амал қилмай қўядилар.



Сўзимнинг бошида муҳтарам китобхонга шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, биз мусулмонларга дастурул-амал бўлган **Қур’они каримда** кўп марта зикр этилган васият қилиш мавзуси барчамизга зарурдир, яъни бизнинг кимлардан қарз ва олди-берди муомалаларимиз борлиги ҳакида ўз яқинларимизга васият қилиб қўйишимиз керак. Шунингдек, бўлажак ўлим ва кафанлик сарф-харажатлари ҳакида ҳам васият қилиб қўйган яҳши.

Сўнгги пайтларда турли нақлиёт воситалари билан содир этилаётган ҳодисалар натижасида ва шунга ўхшаш сабаблар орқали рўй бераётган кутилмаган ўлим ҳолатлари қўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, маййитга (унинг вафотидан илгари) қарз берган қарз-пул эгалари билан меросхўрлар орасида тушунмовчилик рўй бермаслигининг олдини олиб, ҳар бир мусулмон фурсат борида васият қилиб қўймоғи лозим. Бунинг устига ҳар ким ўзи тириклик чоғида садака, худойи ва ҳадяларини ўзи истаган миқдорда, хоҳлаган кишиларга тарқатиб бериш имконияти мавжуд экани ёддан чиқмаслиги даркор.. Аммо киши вафот этгандан сўнг, хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки васият қилган бўлишига қарамасдан, ундан қолган барча мол-мулкнинг фақат учдан бир миқдоригача садақа қилинини мумкин бўлиб қолади, холос.

Баъзан, тақдир такозоси билан, ўғиллардан бири норасида бола-чақаларини етим қолдириб, ота-онасидан аввал бу дунёдан кўз юмиш ҳоллари учрайди. Шунда марҳумнинг ота-онаабир

камбагал ака-укалари ва опа-сингиллари бўла туриб, ўзининг меросхўр болалари борлиги сабабидан унинг яқинларига меросдан улуш тегмай қолади. Шунинг учун ҳам, унинг тириклик чоғида уларга мол-мулкининг учдан биригача миқдорда садақа қилиш ҳақида васият килиб қўйса, хайрли иш бўлур эди.

Баъзи ҳолларда, эркак киши кўп марталаб рўзгор қилишига қарамай, унга фарзанд кўриш насиб бўлмайди ва натижада, бола асраб олади ёки болали бева аёлга уйланишни ихтиёр қиласди. Агар бу ўгай болаларга ҳам мерос қолдиришни истаса, тириклик чоғида уларга мол-мулкининг учдан биригача миқдорда васият қилиб қўйиши мумкин, зеро, меросга марҳумнинг энг яқин меросхўр эркак зоти (*бу ерда: “асаба”си*) ҳақдор бўлади, холос.

Фарзандлардан бири бошқа ака-укаларига нисбатан ота-оналарига меҳрибонроқ бўлиб, уларга яхшилик қилиб, яхши хизмат қилган бўлса ҳам, унинг ана шу ака-укаларидан ортиқча мерос олишга ҳаққи йўқ. Ёки, аксинча, бирон ўғил ота-онасини, ё улардан бирини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ёхуд хафа қилиб қўйган бўлса ҳам, у ўғилни меросдан маҳрум қилиниши, ёинки хиссасини камайтириши ҳам жоиз бўлмайди, зеро **Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло** томонидан илм ва хикмат билан меросхўрлар улуши **қатъий фарз қилиб қўйилди**. Бундай ҳолатларда, ота ёки она тириклик чоғида бошқа меросхўр болалари гувоҳлигига ўша фарзандининг қилган *амалига муносаб ажр-мукофот* васият қилиб қўйиши керак бўлади, токи кейинчалик, биродарлар ўртасига норозилик ва тушунмовчилик пайдо бўлмасин.



Бирон оиласдан бир киши ҳаётдан кўз юмган пайтда шу оиласдан бир эътиборли ва оқил киши (маййитнинг хоҳ отаси, хоҳ акаси, хоҳ ўғли бўлсин) марҳумнинг меросида улуши бўлган қариндошларни тўплаб, аввало, уларга таъзия изхор этиши лозим. Сўнгра, марҳумнинг ҳаётлик чоғида айтган васиятлари ва бировлар билан қарз муомалалари ҳақида маълумотларни жамлаши учун улардан ёрдам сўраши зарур. Ана шундан

кейингина, дағын этиш учун керак бўладиган ашёлар ўша мол-мулк ҳисобидан ҳозирланади. Сўнгра, қолган мол-мулкдан бошқа кишилар билан бўлган қарз-хаволаси, бирорларда турган омонатлари, ёки шериклик тижоратлари каби муомалалари чиқариб ташлангач, ундан кейин, қилган васиятлари амалга оширилади. Шулардан ортиб қолган мол-мулк – мерос мулк ҳисобланади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қавли:

﴿مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَىٰ هَـٰ أَوْ دَيْنٍ ﴾ النساء: ١٢

«(Бу тақсимотлар марҳум) қилган васият ва қарзлари адo қилингандан кейин бўлур» (Кур’они карим, Нисо сураси, 12-ояти каримадан.)

Ундан кейин жуда қисқа фурсат орасида, бирор меросхўр ҳақига зулм қилмаган холда уламолар билан бамаслаҳат, қолган мол-мулк барча ҳақдорларга тақсимлаб берилиши керак.

Мабодо, пули тезда қўлга кирмайдиган ёки тенг шериклик корхона, ёки тижорат молларини сотиб, нақд пул тушиши кўп вақт ва оворагарчилик талаб қилинадиган бўлса, бундай мушкил ишлар тўлиқ ҳал бўлмагунга қадар мерос тақсим этилмай турилади. Фақат марҳумдан қолган нақд пуллар ва ҳозирда мавжуд бўлган унинг мол-мулки тақсим этилади, холос. Масалан, марҳумнинг бир автомашинаси ва бошқа бирорда худди шу автомашина қиймати баробарида қарз берган пули бўлса, меросхўрлардан бирига ўша автомашина, иккинчисига ундирилмаган қарз пулни тақсимлаш, албатта, нотўғри бўлади.

Баъзи кишиларнинг бепарволиклари оқибатида мерос ўз вақтида тақсим этилмай қолгач, турли мушкилликлар пайдо бўлиб, меросхўрлар орасида келишмовчиликлар келиб чиқади-да, кейин бир-бирларини суд-маҳкамага тортиш ҳоллари учрайди. Натижада, қариндошлар орасидан меҳр-маҳаббат кўтарилади. Яна шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ўз вақтида мерос ҳақдорларга тақсим этилмасдан қолгач, меросхўрлардан бири ёки бир нечаси шу орада қазо қилиб кетиши ҳам мумкин. Бошқа бирорлар эса, ҳақдорнинг ҳиссасини Қур’они карим кўрсатмаларига хилоф равишда ҳазм қилиб юборган бўлиши мумкин. Ана энди, бева хотин ва етимлар кулфати устига янги-янги ғам-ташвиш ва можаролар пайдо бўлади. Оқибатда, ўзининг мавжуд мол-дунёсига бирорнинг ҳақи – ҳаром аралашгач, боридан маҳрум

бўлиши етмагандай, охиатда **Парвардигор** олдида ҳам жавоб бериши муқаррардир.

Кўпинча, меросхўрлар орасида етим болалар ҳам бўлади. Етимлар молини зўрлик билан ейиш *етти оғир гуноҳи қабиралар* (Аллоҳга ширк келтирмак; бирони ноҳақ ўлдирмак; фолбин-жодугарлик қилмак; етимнинг молини емак; жиҳод вақтида жсангдан қочмак; покдоман аёлни зинокор деб, тухмат қилмак; судхўрлик қилмак)нинг бири саналади. **Муқаддас Кур’они каримда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло огоҳлантиради:**

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلُوْنَ سَعِيرًا ﴾ النساء: ١٠

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз, қоринларига оловни еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!» (Кур’они карим, Нисо сураси, 10-ояти карима).



Шунингдек, баъзи кишилар мерос пулидан ўзларича бехуда сарф-харажат қилишга йўл қўядилар. Масалан, таъзияга келган, маҳалла ахли ва маййитнинг ёр-дўстлари, қавму қариндошлирига «уч», «етти», «ийигрма», «кирк», «йил оши», «пайшанба» каби маросимлар ўтказиш, рўзнома сахифаларида таъзия иштирокчиларига миннатдорчилик изҳор этиш каби бехуда ва марҳумга мутлақо савоби тегмайдиган ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатлар шаръян жоиз бўлмаган одатлардан хисобланади. Мазкур харажатларни марҳумнинг ўғли ёки яқинлари, ёки яқин дўсти ўз хисобидан қилган тақдирда ҳам, бу амал **Кур’они каримда** ҳам, **Ҳадиси шарифда** ҳам ворид бўлмаган бидъат саналади. Шунга ўхшаш бехуда харажатларни марҳумнинг беваси, яъни етимларнинг онаси қилган бўлиши мумкин, бунда ўз етимларининг ҳакини бегоналар ризолиги йўлида сарф қилгани учун у янада қаттиқроқ гуноҳга ботади. Биз бу каби ҳолатларга сира йўл қўймаслигимиз даркор. **Раҳбаримиз Расулуллоҳ** соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ишларни ман

этиб, бунинг ўрнига мархум ҳакига дуойи хайр қилишга буюрганлар. Бир ҳадиси шарифда зикр этилганидек: «*Бир Одам фарзанди қазо қиласа, унинг амаллари тўхтайди, аммо уч амали давом этади: садақаи жория, дуойи хайр қилувчи солиҳ фарзанд ва фойдали илм*». (Муттафақаун алайҳ).

Одамлар томонидан тўкиб чиқарилган бу маросим ва «тантана»лар **Башарият Сайиди** соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига хилоф бўлиб, уларда кўпинча исрофгарчиликка йўл қўйилади ва риё-хўжакўрсин учун аза кунлари қилинади. Башарти меросхўрлар балогат ёшида бўлиб, юқоридаги каби бехуда харажат қилинган тақдирда ҳам, бу ножоиз бўлиб, **Расулуллоҳ** соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган йўлларига хилоф иш саналади. Ул **Зоти бобаракотнинг** амакиларини ўғли Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу таоло анҳу Мұйтағазотида шаҳид бўлганларида: «*Эй Оиша, Жаъфар оиласига таом тайёрлаб чиқаринг, улар ўлим билан оворадирлар*», - деган эдилар... Демак, ўлим бўлган хонадонга кўшнилар ёки ташқаридан бирор кўнгилли томонидан Аллоҳ таоло ўлида таом тайёрланиб киритилиши яхши бўлар экан.

Агар хайру худойи мерос ҳиссасидан қилинса-ю, меросхўрлар орасида вояга етмаган болалар ҳакидан аралашиб қолгудек бўлса, у зиёфат қаттиқ ҳаром саналади ва ундан бирор луқма тановул этиш жоиз бўлмайди. **Аллоҳ таолонинг** қавли:

﴿ وَأَنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴾  
الإسراء: ١٠

«*Етимнинг молига то у балогат ёшига етгунича яқинлашманглар, магар энг чиройли йўсингда* (унга бирон зиён етказмасдан яқинлашинглар – тасарруф қилинглар)!» (Кур’они карим, Ал-Исрор сураси, 34-оят).

Азага келувчилар ҳам ўлим бўлган жойда "огир юк" бўлиб, хайру худойи ва маърака илинжида азадорларга қийинчилик туғдирмасликлари керак. Агар улар орасида узокдан келганлар бўлса, кўни-кўшнилар ўз тасарруфларига олишлари хайрли амаллардан саналади. Мабодо, хайру худойи ва маърака-зиёфатлар қилишни мархум васият қилган бўлса, унга кетадиган сарф-харажатлар маҳалладаги етим, бева-бечора ва муҳтожларга тақсимлаб берилгани авлороқдир.

*Агар барча мусулмонлар фарз ва суннат амалларига тўлиқ риоя этиб, унга амал қиласиган бўлсалар, уларнинг ўзлари ҳам, ўзгалар ҳам батамом роҳатда, бир-бирларига малол келмайдирган иш бўлур эди...*

Баъзи хотин-қизлар майитга ох-воҳ, нола-ю фигон чекиб, кичкириб-бакириб, дод-вой қилиб, юзларини юлиб, уввос соладилар... Бу – шаръян мутлақо йўл қўйиб бўлмас ҳолдир, чунки бундай шармандалиқдан *майит қаттиқ* азоб тортади. **Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** бундайлар ҳакида: «*Кимки оҳ-воҳ, нола-фигон чекиб, юзларига шапалоқ уриб жоҳилиятдаги каби даъволар қисса, биздан эмас!*» - деганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда: «*Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дод-фарёд солувчиларни ва уни кўриб-эшия туриб, индамай сукут сағлаганларни лаънатлаганлар*». Демак, бундай номаъқул ҳолатни тўхтатишга даъват қилиш лозим. Агар итоат килинмаса, бундай мажлисни тарк этмоқ даркор...

Кўпгина исломий саналган мамлакатларда аҳоли томонидан яқинларининг қабри устига ҳашаматли қилиб қимматбаҳо тош ва мармарлардан сагана ясатилиб, гоҳо майитнинг сувратини қўйиб, туғилган ва вафот этган йилларини ёзib қўйиш расм бўлмоқда. Ахён-ахёнда, шеърий байтлар ҳам битишиб, ўша билан майитни улуғламоқчи бўладилар. Ахир, *марҳум ҳаётлик даврида унинг ҳурматини жойига қўйши керак эди-ку!* Кўпинча, ўша ёдгорликлар етимлар ҳақи ҳисобига тикланади. Баъзилар эса, "*садоқат*" кўрсатмоқчи бўлишиб, турмуш ўртоқларининг вафотидан сўнг қарзу ҳавола билан «*дахмалар*» қурдирадилар. Булар барчаси ҳаром ишлар бўлиб, ундан марҳумга заррача ҳам савоб етиб бормайди. Марҳумга етиб борадиган амал унинг орқасидан қилинган дуодир. **Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам** Али ибн Абу Толиб розияллоҳу таоло анхуни Яман диёрига юборар чоғида, у ердаги баланд мақбараларни текислатишга буюрган эдилар.

Баъзи бировлар байрам ва бошқа муносабат кунларида яхудий ва насронийларга тақлид қилиб, ўз яқинларининг қабрлари устига гулдаста қўйишни одат қилмоқдалар. Бундай қиликларга асло йўл қўйиб бўлмайди, зеро **Расууллоҳ (с.а.в)** даврларида бундай одатлар урф бўлмаган, балки, кейинчалик яхуд ва насронийларга тақлид қилиш орқали вужудга келган. Биз, мусулмонлар, бундай қиликлардан ўзимизни асранимиз лозим.



Кўпинча, оилада хотин киши қолиб, эр аввал қазо қилиш холлари учрайди. Бева қолган онага қараб туриш, унинг оғирини енгил қилиш каби юмушлар – ўғил болаларнинг зиммасида, зеро кизлар бировга тобеъ бўлиб, онага моддий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмасликлари мумкин.. *Онага яхшилик қилишини ўз бурчи деб билиб, хотин ва бола-чақаларидан ҳам шуни талаб қилган Эркак – Ўғил нақадар баҳтлидир!* Унинг дунёю охирати, иншоаллоҳ, обод бўлғусидир.

Гоҳо, оилада эр киши қолиб, хотин аввал вафот этиши ҳам мумкин. Бечора бева ота ўзининг ғам-аламларини ва синиқ кўнглини ёзайин деса – болалар ёш, уни тушуниб етолмайдилар. Рўзғорни бошқариш учун эса, оиласа аёл зоти ҳаводай зарур. Баъзи ноқобил фарзандлар янги келгучи ўгай онани меросга шерик бўлишидан хавфсираб ёки бошқа фикрлар билан "дўсту душман"ларнинг "маслаҳат"ларига эргашиб, оталарига бошқа уйланишга йўл қўймайдилар ёки ўгай она билан муроса қилиб яшай олмасдан яна отани бева қиласдилар... *Исломий ва саҳиҳ түзгри тарбия* олган ва ўз оталарининг дуосини олишни истаган болаларнинг вазифаси – ўзлари ёқтирган ва хоҳлаган муносиб аёлни қисқа фурсатларда излаб топишиб, оталарини уйлаб қўйишдир. Бунга отанинг ҳаққи бор! Бу ҳақни ихлос билан ўз жойига қўйган фарзандлардан аввало ота рози бўлади, ҳамда **Аллоҳ субҳонаху ва таоло** уларнинг умри, мол-дунёларига ва амалларига файзу баракот ато этажакдир.

Кўпинча, кексалар вафотидан сўнг, улардан уй-жой мерос қолади. Бунда ўғиллардан бири уйни эгаллаб олиб, бошқаларни куруқ қўйиши адолатдан эмас. Ундан ҳолда уйни сотиб, ундан тушган пулни ўғил-қизларга тақсимлаб берилиши лозим, ёки болалардан бири мазкур уйда оиласи билан «ижорага» ўтириши ва унинг ҳақини қолганларга тақсимлаб берилиши адолатдан бўлади.

Айрим иродаси заиф, бетамиз кимсалар бемехр хотин-болачақаларининг тазийиги остида кекса ота ёки онасини «*Қариялар уйи*»га элтиб қўймоқдалар. Ана шунга ўхшашлар бу дунёдаёқ бошқаларга сабоқ бўлсин учун ўз фарзандларидан қилмишларига яраша жазосини кўрадилар, охиратда эса, **Жаббор сифатли Тангри таоло** томонидан қилган амалига яраша жазо олади... Зеро, **Аллоҳ субҳонаху ва таоло** мана бундай марҳамат қилган:

﴿ وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَنَا إِمَّا يَلْعَنَ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَهْدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقْلِيلٌ لَهُمَا أُفِّ وَلَا نَهْرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴾

الإِسْرَاءٌ : ٢٣

23. (Эй инсон), *Парвардигорингиз, Ёлгиз унинг йўзига ибодат қилишингизни, ҳамда ота-онага яхшилик қилишиларингизни амр этди. Агар у икковидан бири ёки иккиси сенинг кўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараоб уф тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт!* (*Кур’они карим, Ал-Исрое сураси, 23-ояти карима*).

Ота ёки оналаридан ўшлари кексайган вактда ўзларини нари олувчи айрим нокобил фарзандлар катта хатога йўл кўядилар... Зеро, ота-онанинг ҳақ дуолари мустажоб бўлиб, уларнинг кўнгиллари овланса, оиласда албатта, кут-барака ва фаровонлик хукм суради. Бундай оила **Аллоҳ таолонинг** изни билан ҳар хил оғат, фитна ва кулфатлардан сақланажак. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам:** «Бурни ерга ишиқалсин, яна ишиқалсин ва яна ишиқалсин!», - деганларида, «Кимнинг бурни, ё Расулуллоҳ?» - деган саволга: «Ота-онасининг ёки улардан бирининг ёши улгайган пайтларида ёнларида бўлиб, жаннатга кир(ишига сазовор бўладиган амаллар қил)маган нокобил фарзанднинг бурни», - деб жавоб берган эканлар...



**Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзининг илм ва ҳикмати ила мерос тақсимотини бизларга *фарз* қилди.** Модомики, бу қонун (яъни, мерос тақсимоти) қатъий фарз қилинган амаллардан экан, унга тўлиқ амал қилишимиз зарур. Зеро, унга амал қилгувчи ва ҳаддидан ошмаган бандаларига **Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло инъомларига сазовор бўлган зотлар – пайгамбарлар, сиддиклар (ҳақ-рост иймон эгалари), шахидлар ва солиҳлар** (фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар) билан бирга остидан дарёлар оқиб турадиган ва у ерда абадий яшайдиган жаннатларга киритажаги ваъда қилинади. Ва аксинча, **Аллоҳ таолога** итоатсизлик қилиб,

Ул Зотнинг белгилаб кўйган ҳадларидан тажовуз қилганлар учун хор қилувчи азоб тайёрлаб кўйилгандир.

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا  
أَكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذنَا إِنَّنَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا  
عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا  
لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ عَنَّا وَاغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا

فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٨٦﴾

..Парвардигоро, агар унумтган ёки хато қилган бўлсақ, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига кўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) магфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни голиб қил!» (Қур’они карим, Бақара сураси, 286-ояти карима).

Абу Исом Нуриддин Муслиҳиддин БУХОРИЙ –  
Шахрисабзий

# ФАРОИЗ ИЛМИ

## *Кириши*

*Фароиз илмини ўрганишга киришар эканмиз, аввало у илмнинг таърифи, мавзуси, самараси ва хукми билан танишмоғимиз мақсадга мувоғиқдир.*

**Таърифи:** Меросни ҳақдорларга одилона тақсимлаш қоидаларини (назарий ва амалий равишида) ўргатувчи илм.

**Мавзуси:** Инсон вафотидан сўнг қолдирган мол-мулки, қилган васиятлари, бирордаги ҳаки ва бошқаларнинг ундаги ҳақлари тўғрисидадир.

**Самараси:** Марҳумдан қолган меросни ҳақдорларга етказиш. Ҳар бир меросхўрга ўз улушкини тақсимлаш орқали *фароиз илмининг* накадар мухимлиги ва унинг бекиёс ҳикматлари намоён бўлади.

**Хукми:** *Фарзи кифоя.* Яъни, етарли кишилар ўргансалар, бошқаларга илмул-фароизни билиш суннат бўлиб қолади.

*Изоҳ: Юқоридаги келган ҳукм (фарзи кифоя) фароиз илмини таълим олишга нисбатан айтилган бўлиб, уни баъзилар ўргана олмасалар гуноҳкор бўлмайдилар. Бироқ, фароиз тақсимотига амал қилиши ҳар бир мусулмонга фарзи айн ҳисобланаб, унга бўйинсуна маслик ўта оғир гуноҳдир.*

## **Тарика билан боғлиқ бўлган ҳақ-хукуқлар**

Маййт вафотидан сўнг қолдирган барча мол-мулкка *фароиз илмида «тарика»*, дейилади. *Тарика* беш қисмдан иборат бўлиб, улар аҳамиятига кўра кўйидаги тартибда келади:

1. Мерос ичидаги муайян ашёга алокадор бўлган ҳақ-хукуқлар: масалан, майитдан қолган мерос орасида гаровга қўйилган ёки шериклик нарсалар ёхуд бошқа молиявий муаммолар билан боғлик масалалар;

2. Майитга бўладиган сарф-харажатлар: сув-челак пули, кафан пули, хушбўй гиёхлардан тайёрланган муаттар суюқлик (*ҳанут*), ғассолга бериладиган пул, гўрков хизмат ҳаки ва бошқалар;

3. Марҳум зиммасида қолиб кетган ҳақлар: масалан, *закот, каффорат* ёки ҳаж ибодатига қодир бўла туриб, узрсиз адо

этмагани учун бошқа кишига ҳажсадал қилдириш харажатлари, ёки бирордан олган қарзи, ёки бирорни ишлатиб, унинг ҳақини берип улгурмаган қарзлари ва шу кабилар;

4. Мархұмнинг қолдирған васиятлари: масалан, масжид-мадрасалар бино этиш, йўл созлаш каби хайрия амалларига, шунингдек, меросдан улуш тегмайдиган камбағал қавму қариндошларга мероснинг учдан бир қисмigaча микдорда пул ажратиш.

Бироқ, меросхўр бўлган шахсга васият қилиш ҳаромдир. Зеро, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло **Қур’они каримда** фароиз тақсимотини баён қилганидан кейин бундай марҳамат қиласи:

﴿ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، يُدْخِلُهُ ﴾  
جَنَّتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ خَلِيلِنَّ فِيهَا  
وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٣﴾ وَمَن يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ،  
وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ، يُدْخِلُهُ نَارًا خَلِيلًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ  
**مُهِيمٌ** ﴿١٤﴾ السَّاءُ: ١٣ - ١٤

«13. Мана шу Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳадларидир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайгамбарига штоат этса, (Аллоҳ) уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритиб, ўша жойда абадий (ҳаёт баҳи этар). Ва бу буюк саодатдир. 14. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайгамбарига штоатсизлик қилиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қиласа, уни абадий қоладиган жойи бўлмиши дўзахга киритур. Ва унинг учун хор қилувчи азоб бордир». (Қур’они карим, Нисо сураси, 13 ва 14-оятлар).

Меросхўрга васият қилишда Аллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан тажовуз қилиш бор. Чунки, бу нарса айрим меросхўларга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло чеклаб ва белгилаб қўйган микдордан ортиқча ҳақ ажратишни тақозо этади. Бу эса айни тажовуз демакдир. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бу ишнинг ҳаромлигини таъкидлаб:

“Албатта, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳар бир ҳақдорга ўз

ҳақини берган. Бас, меросхұрға васият қолдириши йүқдір!”, - деганлар.

5. Мерос, яғни юқоридаги түрт қисм ажратилғандан сүнг тарикадан қолған мол-мұлк. **Аллоҳ сұбханаңу ва таоло** бу ҳақда шундай буюради:

﴿مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دِينٍ غَيْرَ مُضْكَأَرٍ﴾ النساء: ۱۲

«(Бу тақсимотлар) **меросхұрларға зарар етказмайдыған ҳолда қилинған васият ва қарзлар аді** этилганидан кейин бўлур...». (Кур’они карим, Нисо сураси, 12-ояти каримадан).

### Мероснинг аркони

«Аркон» – «руқн» сўзининг кўплік шакли бўлиб, асос, устун маъноларини ифодалайди.

Мероснинг аркони учта: *мерос қолдирувчи, меросхұр ва қолдирилған мол-мұлк*.

*Мерос қолдирувчи* – вафот этган шахс;

*Меросхұр* – меросга ҳақдор шахс;

*Қолдирилған мол-мұлк* – меросхұрларга тақсимланиши лозим бўлган мерос.

### Мерос шартлари

Мероснинг шартлари ҳам учтадир:

**1. Мерос қолдирувчининг ҳақиқатан ёки ҳукман ўлими:**

Бунинг далили Аллоҳ таолонинг ушбу қавлидир:

﴿إِنْ أَمْرُؤًا هَلَكَ﴾ النساء: ۱۷۶

«...*бир киши ўлса...*» (Кур’они карим, Нисо сураси, 176-ояти каримадан).

Ўлим – вафот этиш, яғни бу ёруғ дунёдан кўз юмиш демақдир. Майитни кўз билан кўриб, хulosага келиш ёки икки ростгўй кишининг гувоҳлик бериши орқали ҳақиқатан ўлим исбот бўлади. Ҳукман ўлим эса, бедарак йўқолиб кетган одамни маълум бир муддат кутиш ёки излаш натижасига қараб шаръий ҳукм чиқариш орқали бўлади. (59-саҳифага қаранг).

**2. Меросхұрнинг ҳақиқатан ёки ҳукман тириклиги.** Мерос қолдирувчининг ўлимидан кейин меросхұр бир лаҳза бўлса-да, ҳақиқатан ёки ҳукман тирик бўлиши шарт. Масалан, мерос қолдирувчи ва меросхұр бир автомашинада ҳалокатга учрашса,

меросхўр мерос қолдирувчидан сал аввалроқ жон таслим қилса, унга мерос тегмайди. Агар аксинча бўлса, мархумга мерос тегиши хак-хукуки сақланиб қолади.

*Меросхўрнинг ҳақиқатан тириклиги* кўз билан кўриш ёки икки солиҳ кишининг рост гувоҳлиги орқали исбот бўлиш билан бир қаторда тириклиги тўғрисидаги хабарнинг барчага тарқалиб кетиши билан ҳам бўлади.

*Меросхўрнинг ҳўжман тирик бўлиши*га ворислар орасида ҳали дунёга келмаган ҳомиланинг мавжудлигини мисол қилиб кўрсатадилар. Мерос қолдирувчи вафот этишдан илгари вужудга келган ҳомила гарчи унга жон киритилмаган бўлса ҳам меросхўр хисобланаверади, борди-ю тирик туғилмаса унга мерос ажратилмайди. Аммо тирик туғилиб, маълум бир фурсат ўтгач вафот этган тақдирда ҳам унга ўз улуши тақсим этилади. (59-саҳифага қаранг).

**3. Меросхўрнинг мерос олиши сабабини билиши**, яъни у мерос қолдирувчининг кими бўлади: ўғлими, ака-укасими, ёки бошқасини аниқлашдан иборат.

### **Меросга ҳақдорлик сабаблари**

Кишини мерос олишга ҳақли қилиб қўювчи сабаб-омиллар учта бўлиб, улар қуйидагилардир:

**1. Насаб:** яъни қариндошлиқ. Ушбу сабаб (насаб) орқали ўғил-қизлар, ўғилнинг фарзандлари, ота-она, бобо-бувилар, опа-сингиллар, ака-укалар, уларнинг фарзандлари, амакилар, уларнинг фарзандлари мерос оладилар. Бироқ, фарзандлар орасида никоҳсиз туғилган бола (ҳоҳ киз бўлсин, ҳоҳ ўғил) мавжуд бўлса, у отадан мерос ололмайди ва беролмайди ҳам, аммо онадан мерос тегади ва унга ҳам бера олади.

**Изоҳ:** Шу ўринда китобхонга эслатиб ўтиши жоизки, мерос илмида айтиб ўтилаётган қариндошлиқ алоқаси уларнинг бошқага эмас, мархумга нисбатан ким эканлигини кўрсатади. Масалан, "ота" дейилганда марҳумнинг отаси тушунилади, ва ҳоказо.

**Аллоҳ таолонинг қавли:**

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَى بِعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ﴾ الأنفال: ٧٥

«...Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига (меросхўр бўлишига) ҳақдорроқдирлар...». (Қур’они карим, Анфол сураси, 75-

ояти каримадан).

**2. Никоҳ:** Бу сабаб орқали эр-хотинлар бир-бирларидан мерос олишга ҳақлари бор.

Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿ وَكُمْ نِصْفٌ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ بِّلَدٌ ﴾

﴿ فَإِنْ كَانَ لَهُنَّ بِلَدٌ فَلَكُمُ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكُنَ ﴾ النساء: ١٢

«Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан – агар улардан фарзанд қолмаган бўлса – ярми тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан бири тегур...» (Кур’они карим, Нисо сураси, 12-ояти каримадан).

**3. Вало:** (кулга озодлик баҳш этиш орқали унга валинеъмат бўлиб қолмоқлик). Озод қилинган қул вафотидан кейин ундан бирор нарса қолса, (бошқа меросхўрлари бўлмаган тақдирда) мерос факат унинг валинеъматига - озод қилувчисига (у эркак ёки аёл бўлиши мумкин) ёки унинг “асаба”сига тегади. Валинеъматнинг меросхўрлари орасидаги аёллар “вало” орқали мерос ололмайдилар.

### Мерос сабаб-омилларига тааллуқли масалалар

1. Эр-хотин бир-бирларидан мерос олишга ҳақлари бор. Бу хуқук ўртага талоқ тушгунча, ёки никоҳ *фасх* (яъни, талоқ сўзи ишилатилмаса-да, ажратилишини ифода этувчи ҳолат) қилингунга қадар давом этади. Агар *идда* мобайнида улардан бири вафот этгудай бўлса ҳам бошқасига мерос тегаверади. Аммо *фасх ва талоқи боин* (уч талоқ) бўлса, ўша ондан бошлаб ҳар икки тараф мерос олишдан маҳрум бўлиб қолади.

Шу ўринда куйидаги ҳолатга хушёр бўлиш керак: эр ўлим тўшагида ётса-ю, ўз хотинини мерос олишдан маҳрум қилиш максадида уни уч талоқ килса, хотин барибир мерос олиш хукукини ўзида сақлаб қолаверади; бордию шу ҳолатда хотин ҳаётдан кўз юмид қолса, эр ўзининг қилган ёмон ниятига жазо ўлароқ хотинидан мерос олиш хукуқидан маҳрум бўлади.

Шунингдек, хотин ҳам эрини мерос олишдан маҳрум қилиш ниятида, ўзи ўлим тўшагида ётган бўлишига қарамасдан эрининг иззат-нафсига тегадиган қилиқ қилиш орқали талоқ олишга эришгудай бўлган тақдирда ҳам эри мерос олиш хукукини ўзида

сақлаб қолаверади. Мабодо эри аввал ўлиб қолса, ундан мерос олиш хуқуқидан хотиннинг ўзи маҳрум бўлиб қолади. *Изоҳ: мазкур ҳолатларни тасдиқ қилувчи икки адолатли гувоҳ орқали воқеа исбот этилиши шарт.*

2. Насаб орқали мерос олишга ҳақдор қариндошлар уч хил бўлади: *усул, фуруъ ва ҳавоий.*

а) *Усул* (айнан таржимаси: асослар, томирлар) – мерос қолдирувчининг ёруғ дунёга келишига сабаб бўлган ота-она ва уларнинг аждодлари. Булардан мерос олишга куйидагилар ҳақдор бўладилар:

\* Ота, унинг отаси, отасининг отаси каби барча эркак зотлари.

Аммо онанинг отаси каби боболар меросхўр эмас, балки "улул-арҳом" – ургулардан ҳисобланадилар;

*Изоҳ: Марҳумнинг яқинлари мерос илмида икки тур бўлиб, бири меросга ҳақдор бўлган насаб орқали қариндошлар, иккинчиси меросхўрлар сафига кирмайдиган "улул-арҳом" атамини қариндошлардир. Биз мазкур икки тоифани бирбиридан фарқлаши мақсадида улардан меросга ҳақдор тоифага шартли равишда "қариндошлар", кейингиларига эса "уруглар" деб ном бердик.*

\* Она, унинг онаси, отанинг онаси ва отанинг отасининг онаси кабилар. Аммо онанинг отасининг онаси ургулардан саналади, меросхўр эмас;

б). *Фуруъ* (айнан таржимаси: шохлар, тармоқлар) – мерос қолдирувчининг фарзандлари ва ўғилларининг фарзандлари. Кизларининг ўғил-қизлари эса ургулардан саналадилар;

в). *Ҳавоий* (айнан тарж: ҳошиялар, жияклар) – усулнинг фуруълари, яъни мерос қолдирган кишининг ака-укалари ёки амакилари ва уларнинг ўғиллари. Булардан куйидагилар меросхўр саналади:

\* Барча опа-сингиллар. Лекинamma, хола, ака-уканинг қизи, амакининг қизи каби аёллар меросхўрлардан бўлмай, балки ургулардан ҳисобланадилар;

\* Онабир ака-ука, опа-сингиллар. Уларнинг фуруълари эса, меросга ҳақдор эмаслар;

\* Марҳумга эркак киши орқали боғланадиган барча эркак қариндошлар. Булар ота-онабир ёки отабир ака-укалар, амакилар ва уларнинг ўғиллариидир. Марҳумга аёл зоти орқали боғланганлар эса (масалан, тога, онанинг амакиси, қизнинг ўғли кабилар) меросхўр эмас, балки ургулардан саналадилар.

## **Мерос олишдан ман қилувчи омиллар**

Меросхўрларни меросдан ман қилувчи – маҳрум этувчи омиллар учтадир:

**1. Қуллик.** Кул ва чўрилар мутлақо мерос ололмайдилар ва бошқаларга мерос қолдиролмайдилар. Чунки, уларнинг бор нарсалари ўзлариники эмас, балки хўжайинлариникидири.

**2. Қотиллик.** Қасдан ёки билмаган ҳолда қотиллик содир этган одам мақтулдан мерос олиш хуқуқидан маҳрум бўлади, ҳаттоқи ота-бала ўртасида рўй берса ҳам. **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** «Қотилга ҳеч қандай мерос йўқ!», деганлар. (*Абу Довуд ривояти*).

**Изоҳ:** Юқорида қасдан ёки билмаган ҳолда қотиллик содир этган киши меросдан маҳрум бўлиши ҳақида айтилди. Баъзан, муштарак ҳодисалар рўй беради ва унда мерос қолдирувчининг ҳалокатида икки ва ундан ортиқ шахслар сабабчи бўлиши мумкин. Масалан, бир неча автомашиналар тўқнашуви натижасида мерос қолдирувчи киши ҳам ҳалок бўлиши мумкин. Ўша машинани бошқариб бораётган ўзининг ўғли, яъни меросхўри, дейлик. У билмаган ҳолда қотиллик содир этиб қўйди. Бундай ҳолатда ҳодисанинг ҳар бир иштирокчисига нисбатан айбдорлик ҳиссаси аниқланшии зарур. Фараз қиласлик, мазкур ҳодисадаги отанинг ҳалокатида ўғилнинг айби 70% деб аниқланса, меросхўр ўғилнинг оладиган мерос улуши – 30%ни ташкил этади. Чегириб қолинган 70% мерос улуши бошқа меросхўрларга тақсим этилиши керак.

**3. Диний тафовут:** На кофир мусулмондан мерос олади ва на мусулмон кофиран. Ҳадиси шарифда айтиладики: «Мусулмон кофиран мерос олмас ва кофир мусулмондан». ("Фатхул-Борий", 11-жилд, 52-саҳифа).

## **МЕРОС ОЛИШ ТУРЛАРИ**

Мерос олиш икки турли бўлади: бири – “**фариза**” бўйича, иккинчиси – “**асабалик**” йўли билан.

“**Фариза**” Қур’они каримда меросхўрларга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонидан қатъий фарз қилиб қўйилган улушлардир. Улар  $\frac{1}{2}$  (ярим),  $\frac{1}{4}$  (чорак, тўртдан бир),  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир),  $\frac{2}{3}$  (учдан икки),  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ва  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир).

“**Асабалик**” йўли билан мерос олишда муайян улуш нисбати мавжуд эмас. Бу ҳақда кейинчалик алоҳида тўхтаб ўтамиз.

## Фариза эгалари

Расулуллоҳ соллаллоҳи алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳийҳ ҳадисда: «**Фаризаларни ўз эгаларига етказинглар, қолганлари энг яқин эркак қариндошга тегади**», – дейилади. ("Фатхул-Борий", 12-жилд, 11-саҳифа).

**“Фариза” эгалари 10 (үн) нафар бўлиб, улар: Эр, хотин(лар), она, ота, бобо, буви(лар), қиз(лар), ўғилнинг қиз(лар)и, ота-онаабир ёки отабир опа-сингил(лар) ҳамда онаабир ака-ука ва опа-сингил(лар).**

### 1. ЭРНИНГ МЕРОСИ

Хотиннинг меросхўр фарзандлари (ўғил-қизлари, ўғлининг ўғил-қизлари ва ҳоказолар) бўлмаса, эр ўз хотинидан қолган мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми)ни олади. Агар унинг шу ёки бошқа эридан бўлган меросхўр фарзандлари бўлса, эрга мероснинг  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бири) тегади. Қизнинг фарзандлари эса меросхўрлардан бўлмаганиллари сабаб эрнинг оладиган меросига таъсир ўтказа олмайдилар.

Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿ وَلَكُمْ نِصْفٌ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِن لَّمْ يَكُنْ لَهُنَّ بِّنَدٌ ﴾

﴿ فَإِن كَانَ لَهُنَّ بِّنَدٌ فَلَكُمُ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكَنَ ﴾ النساء: ١٢

«Сизларга хотинларингиз қолдириган меросдан – агар улардан фарзанд қолмаган бўлса – ярми тегур. Энди агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан бири тегур...» (Кур’они карим, Нисо сураси, 12-ояти каримадан).

Изоҳ: Фарзанд ёки бола дейилгандага ўғил-қиз баробар тушунилади.

1-мисол. Эр ва ота қолди:

\* Эрга меросхўр бола бўлмагани учун мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани отага тегади.

2-мисол. Эр ва ўғил қолди:

\* Эрга  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир)и, қолгани ўғилга.

### 2. ХОТИННИНГ МЕРОСИ

Эрнинг меросхўр фарзанди бўлмаса, хотин эрдан қолган мероснинг  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир)ини олади, агар маййитнинг шу, ёки

бошқа хотинидан меросхўр фарзанди бўлса, хотинга мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир) ҳиссаси тегади.

Хотинлар икки ёки ундан ортиқ бўлса, ўша  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир) ёки  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир) ҳиссага барчаси teng шерик бўладилар.

**Изоҳ:** Бу улушилар хотинларнинг ўзларига тегадиган ҳисса бўлиб, уларнинг фарзандлари сони оз-кўп, ёки бор-йўқлигининг аҳамияти йўқ.

Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿وَلَهُنَّ الْرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِن لَّمْ يَكُنْ لَّكُمْ وَلَدٌ فَإِن﴾

﴿كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الْشُّمُنُ مِمَّا تَرَكْتُمْ﴾ النساء: ١٢

«Уларга (хотинларнингизга) сизлар қолдирган меросдан – агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса – тўртдан бири тегур. Энди агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг мероснингиздан саккиздан бири тегур». (Кур’они карим, Нисо сураси, 12-ояти каримадан).

3-мисол. Хотин ва ота қолди:

\* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир)и, чунки фарзанд ўйқ. Қолгани отага тегади.

4-мисол. Хотин ва ўғил қолди:

\* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир)и, чунки фарзанд бор. Қолгани ўғилга.

5-мисол. Уч хотин ва ўн бир ўғил қолди:

\* Уч хотин мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздар бир) ҳиссасига teng шерик, ўғиллар эса, қолганига teng шерик бўладилар.

### 3. ОНАНИНГ МЕРОСИ

Она мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ёки  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улушкини олади.

\* Майиттинг меросхўр фарзандлари ва бирдан ортиқ ака-ука ва опа-сингиллари бўлмаса, она мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ҳиссасига ҳақли бўлади.

\* Аксинча, мархумнинг меросхўр фарзанди ёки бирдан ортиқ ака-ука, опа-синглиси бўлса, онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улуси тегади.

Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿ وَلَا بَوْيَهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا أَسْدُسٌ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَرِثَهُ أَبُوهُ فَلِأُمِّهِ الْثَلِاثُ فَإِنْ كَانَ لَهُ إِخْوَةٌ فَلِأُمِّهِ الْأَسْدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَى بِهَا أَوْ دِينٍ ءَابَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ لَا تَدْرُونَ أَيْهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ نَفْعًا فِي يَضْكَةٍ مِنْ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْمًا

### حَكِيمًا ﴿١١﴾ النساء: ۱۱

«Агар (мархұмнинг) фарзанди (ва ота-онаси қолған) бўлса, қолдирған меросидан ота-онасинг ҳар бирига олтидан бири тегур (қолгани фарзандига қолур). Энди агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси унга меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир тегур (қолгани отасига қолади). Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир тегур. (Қолган қисми отасига тегади, зеро, мархұмнинг ака-укаларини едириб-кйидиши ва уйлаб-жойлаш отанинг зиммасидадир. Бу тақсимотлар хотинларингиз) қилган васият ва қарзлари адo этилганидан кейин бўлур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирлари сизлар учун фойдаси тегувчироқ эканини билмайсизлар. (Бинобарин, ўзингизга қолса, мерос тақсимотини ҳамadolat билан ҳал қила билмайсиз. Шу боисдан кимга қанча мерос тегиши) Аллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди. Албатта Аллоҳ билим ва ҳикмат Эгаси бўлган Зотдир. (Кур'они карим, Нисо сураси, 11-ояти карима).»

Бу ерда ака-ука ва опа-сингиллар ота-онаабир, ёки отабир, ё онабир бўлса ҳам фарқи бўлмас.

Меросхўрлар орасида ота ҳам бўлса, ака-ука ва опа-сингилларнинг мерос олишга ҳақлари қолмайди. Шундай бўлсада, улар онанинг ҳиссасини  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)дан  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссага тушираверадилар.

Юқоридагилардан истисно ўлароқ қуидаги икки масалада онанинг улуши бошқача бўлади:

- Эр ва ота-онани қолдириб хотин вафот этса;
- Хотин ва ота-онани қолдириб эр вафот этса.

Биринчи масалада қоидага кўра эрга мероснинг ярми (уч

хисса), онага учдан бири (икки ҳисса), қолгани эса (бир ҳисса) отага берилиши керак эди. Иккинчи масалада эса хотинга мероснинг тўртдан бири (уч ҳисса), онага учдан бири (тўрт ҳисса), қолгани (беш ҳисса) отага берилиши керак эди. Лекин, амирул мұммин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу таоло анхунинг халифалик пайтларида содир бўлган бу масалаларда у киши: онага бутун мероснинг учдан бири эмас, балки эр ва хотин улуши берилгандан кейин қолган мероснинг учдан бири берилади, деб ижтиҳод қилганлар. Отанинг онага қараганда молиявий масъулиятлари кўпроқ бўлганлиги сабаб у киши ушбу ижтиҳодни қилганлар. Буни бошқа саҳобалар ҳамда улардан кейинги уламолар ҳам қабул қилишган. Ушбу икки масала «Умариятайн» – «Умар розияллоҳу таоло анхунинг икки масаласи» деб аталади.

6-мисол. Эр ва ота-она қолди:

\* *Мерос 6 (олти)га тақсум қилинади. Шундан эрга ярми (уч ҳисса), онага қолган мероснинг учдан бири (бир ҳисса) ва отага қолгани (икки ҳисса) тегади.*

7-мисол. Хотин ва ота-она қолди:

\* *Мерос 4 (тўрт)га тақсум қилинади, шундан, хотинга  $\frac{1}{4}$  тўртдан бири (бир ҳисса), онага қолганинг  $\frac{1}{3}$  учдан бири (бир ҳисса), отага эса қолгани (икки ҳисса) тегади.*

Масалан: Эрдан 1000 (минг) риёл нул мерос қолди. Хотинга  $\frac{1}{4}$ , яъни, 250 (икки юз эллик) риёл, қолган 750 (етти юз эллик)нинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бири) яъни, 250 (икки юз эллик) риёли онага ва қолгани – 500 (беш юз) риёли отага тегади.

8-мисол. Ота-онани қолдириб ўғил вафот этди:

\* *Онага мероснинг  $\frac{1}{3}$  учдан бири ва қолгани отага тегади.*

9-мисол. Она ва ўғил қолди:

\* *Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  олтидан бири, қолгани – ўғилга.*

10-мисол. Она ва икки ака-ука қолди:

\* *Онага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳисса, қолганига ака-укалар тенг шерик.*

#### 4. ОТАНИНГ МЕРОСИ

Отага уч хил мерос тегади: “*фариза*” йўли билан, “*асабалик*” йўли билан ҳамда “*фариза*” ва “*асабалик*” йўли билан:

\* *Мархумнинг ўғил фарзандлари бўлса, ота “*фариза*” йўли билан мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)ини олишга ҳақдор бўлади.*

**Аллоҳ таолонинг қавли:**

﴿ وَلَا بَوِيهِ لِكُلٌّ وَاحْدِي مِنْهُمَا أَسْدُسٌ مَمَّا تَرَكَ ﴾  
النساء: ١١

«...Агар мархумнинг **фарзанди** (ва ота-онаси қолган) бўлса, қолдирган меросдан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бири тегур (қолгани фарзандига қолур...)». (Кур'они карим, Нисо сураси, 11-ояти каримадан).

\* Агар мархумнинг фарзандлари бўлмаса, унда “**асабалик**” йўли билан мерос олади. *Аллоҳ таолонинг қавли:*

﴿ إِنَّ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَرِئَةٌ وَأَبْوَاهُ فَلَأُمَّهُ الْثُلُثُ ﴾  
النساء: ١١

«...Энди агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси унга меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир тегур (қолгани отасига қолади...)». (Кур'они карим, Нисо сураси, 11-ояти каримадан).

\* Агар мархумнинг қиз фарзандлари бўлса, отага хам “**фариза**”, хам “**асабалик**” мероси биргаликда тегади.

11-мисол. Ота-онани қолдириб қиз вафот этди:

\* Мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ҳиссаси онага, қолгани отага.

12-мисол. Ота ва ўғил қолди:

\* Мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) отага, қолгани ўшилга.

13-мисол. Бир қиз ва ота қолди:

\* Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), отага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) – “**фариза**” ва қолгани “**асабалик**” йўли билан тегади.

14-мисол. Эр-хотин бир онда ҳалок бўлишди. Эрнинг ота-онаси ва бошқа хотинидан ўғиллари бор. Мархума хотиннинг хам ота-онаси қолди:

\* Эрнинг ота-онасининг ҳар бирига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссадан, қолганига ўғиллар тенг шерик. Хотиннинг меросидан онасига  $\frac{1}{3}$  (учдан бири), қолгани – отасига.

15-мисол. Ака-ука бир онда ҳалок бўлишди. Уларнинг ота-онаси, хотинлари ва аканинг ўғиллари бор, аммо ука бефарзанд:

\* Аканинг меросидан: отага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири), онага ҳам шунча, хотинга  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир), қолганига ўғиллар тенг шерик. Укадан қолган мерос унинг хотинига  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бири), қолганинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бири) онасига, қолгани отага тегади.(7-мисолга тақъосланг).

## 5. БОБОНИНГ МЕРОСИ

Марҳумнинг отасининг отаси – бобо (ва ҳоказолар) мерос олишга ҳақли, аммо онасининг отаси (ва ҳоказолар) ҳақдор эмас.

Бобо ота ҳаёт бўлмаган тақдирда унинг ўрнига мерос олади. Бинобарин, унинг мероси отаникidek бўлади:

- Марҳумнинг ўғил фарзанди бўлса, бобо “**фариза**” меросига ҳақдор бўлиб, мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)ни олади;
- Марҳумнинг меросхўр фарзандлари бўлмаса, бобо “**асабалик**” бўйича мерос олади;
- Агар марҳумнинг қиз фарзанди бўлса, бобо ҳам “**фариза**”, ҳам “**асабалик**” бўйича мерос олади.

Лекин, бобонинг мероси баъзи ўринларда отаникидан фарқли бўлади. Масалан, юқорида зикри ўтган Умариятайн масаласида отанинг ўрнига бобо келса, онага қолган мероснинг учдан бири эмас, балки бутун мероснинг учдан бири берилади.

## 6. БУВИНИНГ МЕРОСИ

Токи марҳумнинг онаси ҳаёт экан, буви мерос олишга ҳақдор эмас. Мерос олишга ҳақдор бувилар – онанинг онаси, отанинг онаси ва отанинг отасининг онаси (ва ҳоказолар)дир. Бошқа бувилар уруғлар қаторига кирадилар.

Бувининг меросдаги ҳақи ўзгармас бўлиб, олтидан бирдир.

Меросхўр бувилар икки ёки ундан ортиқ бўлсалар, мероснинг олтидан бир ҳиссасига тенг шерик бўладилар. Бувиларнинг кўплиги ҳиссанинг кўпайишига олиб келмайди.

Бу тўғрида Қабийса ибн Зуайб ҳикоя қиласидилар:

Бир буви халифа Абу Бакр Сиддик розияллоҳу таоло анҳу ҳузурига келиб, ўзининг мероси ҳакида сўради. Халифа дедилар: «Кур’они каримда бувилар мероси ҳакида зикр этилмаган. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам бу борада ҳеч нарса эшитмаганман. Бир фурсатдан кейин келинг, мен саҳобийлардан суриштириб қўяман». Ҳазрати Абу Бакр Сиддик розияллоҳу таоло анҳу саҳобийларни жамлаб у ҳақда сўрадилар. Саҳобий Муғийра ибн Шуъба: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бор эдим, Ул Зот бувига олтидан бир ҳисса берган эдилар», – деди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик розияллоҳу таоло анҳу сўрадилар: «Ўша вақтда сиздан бошқа яна ким бор эди?» Мухаммад ибн Маслама ал-Ансорий ўрнидан туриб: «Мен ҳам бор эдим, Муғийра ибн Шуъбанинг айтганлари рост», деб гувоҳлик бердилар. Мазкур

икки саҳобийнинг шаҳодатларини тинглаб бўлгач, халифа Абу Бакр Сиддик розияллоҳу таоло анҳу бувига унинг меросдаги ҳақи олтидан бир эканини эълон қилдилар. Ҳазрати Умар розияллоҳу таоло анҳу халифалик даврларига келиб юқоридаги марҳумнинг бошқа бир бувиси у зот хузурларига келиб, ўз мероси ҳақида сўраганида: «Кур’они карим ва ҳадиси шарифда буви мероси ҳақида зикр этилмаган, аммо илгари тақсим қилиб берилган ўша  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улушни биламиз. Бувилар нечта бўлсангиз, мазкур  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)га тенг шерик бўласизлар. Ёлғиз бир буви мерос олганида эди, олтидан бирнинг ҳаммасини олган бўларди», – деб жавоб бердилар.

Агар бувилар биттадан кўп бўлиб, қариндошлик рутбалари тенг бўлса – улар ўша  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)ни тенг тақсим қилиб оладилар. Агар уларнинг бири марҳумга бир томонлама, бошқаси икки томонлама қариндош бўлса – мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) 3 (уч қисм)га тақсимланиб, икки томонламага 2 (икки) хисса, бошқасига 1 (бир) хисса берилади. Шунингдек, ҳар хил рутбали бувилар жамланиб қолсалар, марҳумга яқинроқ буви узокроғини мерос олишдан тўсади.


16-мисол. Онанинг онаси, отанинг онаси ва амаки қолди:

\* *Мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ҳар икки бувиларга тенг бўлинади, қолгани – амакига.*

17-мисол. Онанинг онасининг онаси, отанинг онаси ва амаки қолди:

\* *Онанинг онасининг онаси рутбаси узоқ бўлгани сабабли, унга мерос ўйқ. Отанинг онасига мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани амакига.*

18-мисол. Онанинг онасининг онаси (ЗАЙНАБ), отанинг онасининг онаси ўша (ЗАЙНАБ), отанинг отасининг онаси (ЗУЛАЙХО) ва амаки (ИСҲОҚ)ларни қолдириб (ИБРОҲИМ) вафот этди:



\* Зайнаб буви икки томонлама қариндоши бўлгани сабабли, унга мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)нинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) улуши, Зулайҳо бувига эса,  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) улуши ва қолгани Исҳоқ амакига тегади.

## 7. ҚИЗНИНГ МЕРОСИ

Қизлар икки йўл билан: “асабалик” ва “фариза” бўйича мерос оладилар.

\* Қиз “асабалик” йўли билан ака-укаси бўлсагина мерос олишга ҳақи бўлади;

**Аллоҳ таолонинг қавли:**

﴿ يُوصِيكُمْ اللَّهُ فِي هَؤُلَاءِ كُمْ لِلَّهِ كَمِثْلُ حَظِّ الْأُنْثَيَيْنِ ﴾ النساء: ١١

«Аллоҳ субҳонаху ва таоло фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос олишини амр қилур». (Кур’они карим, Нисо сураси, 11-ояти каримадан).

\* Агар марҳумнинг ўғли бўлмаса, унинг қизи “фариза” бўйича мерос олишга ҳақдор бўлади:

- Якка қиз бўлса, унга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) тегади;
- Қизлар икки ва ундан ортиқ бўлсалар, мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) улушига тенг шерик бўладилар.

**Аллоҳ таолонинг қавли:**

﴿ فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوَقَ أُثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَحْدَةً ﴾ النساء: ١١

«Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ қиз бўлса, уларга (ота-она)

**қолдирған нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми тегур».** (Кур'они карим, Нисо сураси, 11-ояти каримадан).

Саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу таоло анҳудан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъд ибн ар-Рабийънинг икки қизига мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмини тенг бўлиб бердилар*».

19-мисол. Қиз ва амаки қолди:

\* Қиз якка бўлгани учун унга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани амакига тегади.

20-мисол. Икки қиз ва ота қолди:

\* Қизларнинг ака-үкалари бўлмагани учун улар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмига тенг шерик бўладилар. Отага “*фариза*” бўйича мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани “*асабалик*” йўли билан тегади.

21-мисол. Бир қизу бир ўғил қолди:

\* Ўғилга икки қизнинг улуши берилади, яъни мерос 3 (уч) ҳиссага бўлиниб, 2 (икки) ҳисса ўғилга ва 1 (бир) ҳисса қизга тегади.

## 8. ЎҒИЛНИНГ ҚИЗЛАРИ МЕРОСИ

Ўғилнинг қизлари дейилганда марҳумнинг ўғлининг қизлари, ўғлининг ўғлининг қизлари ва ҳоказолар назарда тутилади.

Уларга бериладиган мерос қизларнидек бўлиб, бунинг учун меросхўрлар орасида улардан юқори даражадаги фуруълар (ўғил, ўғилнинг ўғли, қиз, ўғилнинг қизи) бўлмаслиги шарт қилинади.

Демак, ўғилнинг қизлари ҳам “*асабалик*” ва “*фариза*” бўйича мерос оладилар.

Улар “*асабалик*” бўйича мерос олишлари учун марҳумнинг ўша ўғлининг қизи даражасидаги набираси бўлиши шарт. Масалан, ўғилнинг қизи ўғилнинг ўғли билан, ўғилнинг ўғлининг қизи ўғилнинг ўғлининг ўғли билан “*асаба*” бўлади, ва ҳоказо.

“*Фариза*” бўйича эса ўғилнинг қизи якка бўлганда  $\frac{1}{2}$  (ярим), икки ёки ундан ортиқ бўлсалар,  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) улушга ҳақдор бўладилар.

Агар меросхўрлар орасида уларнинг даражасидан юқори бўлган фуруъ (ўғил, ўғилнинг ўғли, қиз, ўғилнинг қизи) мавжуд бўлса, тақсимот куйидагича бўлади:

- Агар ўша меросхўр фуруъ эркак бўлса, ўғилнинг қизларига меросда ҳақ қолмайди. Зоро, фуруълар орасидаги ҳар бир эркак ўзидан қуида даражадаги ўғилнинг фарзандларини

меросдан тұсади.

- Агар ўша меросхүр фуруу икки ёки ундан ортиқ аәл бўлса, уларга мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисми берилиб, қуйи даражадаги ўғилнинг қизларига меросдан насиба қолмайды. Магар улар даражасидаги ёки улардан қуйи даражада бўлган ўғилнинг ўғли мавжуд бўлса, ўғилнинг қизлари “*асаба*” бўлиб мерос олишлари мумкин.
- Агар ўша меросхүр фуруу бир аәл бўлса, унга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) берилади. Ундан қуйи даражада келган ўғилнинг қизларига эса, улар хоҳ якка, хоҳ кўп бўлсинлар,  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улуш тегади. Шу билан меросхўр (аәл) фуруъларнинг ҳақи бўлмиш  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) ҳисса уларга тўлиқ берилган бўлади.

Ибн Масъуд розияллоҳу таоло анҳу Күфада волийлик қилган даврларида мархумнинг якка қизига –  $\frac{1}{2}$  (ярим), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ва қолганини сингилга буюрар эканлар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари бўйича ҳукм чиқармоқдаман», - деганлар.

22-мисол. Ўғилнинг ўғли ва ўғилнинг қизи қолди:

\* Ўғилнинг ўғлига икки қизнинг ҳиссаси тегади, яъни мерос 3 (уч) қисмга бўлиниб, 2 (иккиси) ўғилга ва 1 (бира) қизга тақсим этилади.

23-мисол. Ўғилнинг қизи ва ўғилнинг ўғлининг ўғли қолди:

\* Ўғилнинг қизига мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани ўғилнинг набирасига тегади.

24-мисол. Ўғилнинг икки қизи ва амаки қолди:

\* Ўғилнинг икки қизи мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмiga тенг шерик бўладилар. Қолгани амакига тегади.

25-мисол. Якка қиз, ўғилнинг қизи, ҳамда ўғилнинг ўғлининг ўғли ва ўғилнинг ўғлининг қизи қолди;

\* Якка қизига мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бира) ва қолганини 3 (уч) қисмга бўлиниб, 2 (иккиси) невара ўғилга, 1 (бира) невара қизига тегади.

26-мисол. Бир ўғил ва бир қиз, ҳамда ўғилнинг фарзандлари қолди.

\* Мерос 3 (уч) қисмга тақсимланиб, 2 (иккиси) – ўғилга ва 1 (бира) қизига тегади. Набираларнинг меросга ақлари ийк.

27-мисол. Уч қиз, ўғилнинг қизлари ва ақа-укалар қолди:

\* Уч қиз мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмiga тенг шерик

*бўладилар, ўғилнинг қизларига мерос қолмайди. Ака-укаларга эса қолган  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ҳисса баробар тақсимланади.*

28-мисол. Якка қиз, ўғилнинг икки қизу бир ўғли ва ука қолди:

\* *Якка қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолган  $\frac{1}{2}$  (ярми) 4 (тўрт)га бўлинib, ўғилнинг икки қизига 1 (бир) ҳиссадан, ўғлига 2 (икки) ҳисса тегади. Ука эса эркак “фуруъ”лар борлиги сабаб меросдан маҳрум бўлади.*

29-мисол. Ота-она, якка қиз ва икки қизу бир ўғилдан бир қизу бир ўғил қолди:

\* *Ота-онанинг ҳар бирига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссадан, якка қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани 3 (уч)га тақсимланиб, 2 (икки) ҳисса невара ўғилга ва 1 (бiri) невара қизга тегади.*

30-мисол. Ота-она, якка қиз ва ўғилнинг икки қизи қолди.

\* *Ота-онанинг ҳар бирига, “фариза” бўйича, мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бiri), якка қизга  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг икки қизи  $\frac{1}{6}$  (олтидан бiri)га тенг шерик. Мерос ортиб қолганда отага “асабалик” бўйича қолгани тегар эди.*

31-мисол. Ота-она ва якка қиз қолди:

\* *Якка қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), онага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бiri), отага эса “фариза” йўли билан  $\frac{1}{6}$  (олтидан бiri) ва қолгани “асабалик” бўйича тегади.*

## 9. ОТА-ОНАБИР ОПА-СИНГИЛЛАР МЕРОСИ

Ота-онабир опа-сингиллар меросга ҳақли бўлишлари учун меросхўрлар орасида мархумнинг эркак фуруълари (ўғли, ўғилнинг ўғли ва ҳоказолар) ҳамда унинг эркак усууллари (отаси, отасининг отаси ва ҳоказолар) бўлмасликлари шарт қилинади. Опа-сингиллар “фариза” ҳамда “асабалик” бўйича мерос оладилар.

\* Опа-сингиллар “фариза” меросини мархумнинг фуруълари ва эркак усууллари ҳамда ота-онабир ака-укаси бўлмагандан оладилар.

- Мархумнинг фақат бир нафар опа-синглиси бўлса, унга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) тегади.
- Агар мархумнинг икки ва ундан ортиқ опа-синглиси бўлса, улар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмига тенг шерик бўладилар.

**Аллоҳ таолонинг қавли:**

﴿ يَسْتَقْتُونَكَ قُلِ اللَّهُمَّ يُفْتِنِي كُمْ فِي الْكَلَّةِ إِنْ أُمْرُوا هَلَّكَ لَيْسَ لَهُ ﴾

وَلَدُّ وَلَهُ أَخْتٌ فَلَهَا نِصْفٌ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا

وَلَدُّ فَإِنْ كَانَتَا أُشْتَرَتَيْنِ فَلَهُمَا أُلْثَاثَانِ مِمَّا تَرَكَ ﴿ النساء: ١٧٦﴾

«(Эй Мұхаммад алаіхис-салом), Сиздан фатво сүрайдилар. Айтинг: «Аллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлмаган сўқабоши одам тўғрисида ушибу фатвони берур: agar фарзандсиз бўлган ёлгиз эркак ўлса, (агар) унинг синглиси бўлса, унга (акаси) қўйиб кетган мероснинг ярми тегур. Agar синглисининг фарзанди бўлмаса, (ва ўша сингил ўлса-ю акаси қоладиган бўлса) aka унга меросхўр бўлур. Agar сингиллар иккита бўлса, улар учун aka қолдирган нарсадан учдан иккиси тегур». (Кур'они карим, Нисо сураси, 176-ояти каримадан).

\* “Асабалик” бўйича қуйидаги ҳолларда мерос оладилар:

- Мархумнинг бир ёки ундан ортиқ қизлари “фариза” бўйича ҳиссаларини олиб бўлгач, қолгани опа-сингилларга “асаба маал-гайр” йўли билан тегади. (39-бетга қаранг).
- Ота-онабир aka-ука билан мерос олаётган опа-сингилларга “асаба бил-гайр” йўли орқали бир эркак учун икки аёл улуши тегади. (38-бетга қаранг).

Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿ وَإِنْ كَانُوا إِخْوَةً رِجَالًا وَنِسَاءً فَلَذَّكَ مِثْ حَظِّ الْأَثْنَيْنِ ﴾

﴿ النساء: ١٧٦﴾

«Agar меросхўрлар aka-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл ҳиссани берилур». (Кур'они карим, Нисо сураси, 176-ояти каримадан).

32-мисол. Ота-онабир сингил ва амаки қолди:

\* Сингилга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани амакига тегади.

33-мисол. Ота-онабир опа-сингил ва амаки қолди:

\* Опа-сингиллар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмига тенг шерик бўладилар. Қолгани амакига тегади.

34-мисол. Ота-онабир сингил ва ўғил қолди:

\* Мероснинг бари ўғилга, сингилга ҳеч нарса тегмайди.

35-мисол. Ота-онабир сингил ва уч қиз қолди:

\* Уч қиз мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмига тенг шерик бўладилар. Қолгани сингилга тегади.

36-мисол. Ота-онабир тўрт опа-сингил ва ота қолди:

\* Мероснинг ҳаммаси отага. Опа-сингилларга ҳеч нарса.

37-мисол. Ота-онабир ака-сингил (опа-ука) колди:

\* Ака (ука)га 2 (икки) ҳисса, опа (сингил)га 1 (бир) ҳиссадан тақсимланади.

38-мисол. Ота-онабир ака-сингил, икки қиз ва она қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири), икки қиз  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик, қолганнинг 2 (икки) ҳиссаси акага ва 1 (бир)и сингилга тегади.

## 10. ОТАБИР ОПА-СИНГИЛ МЕРОСИ

Марҳумнинг ота-онабир ака-ука ёки опа-синглиси бўлмаса, унинг отабир опа-синглиси худди ота-онабир опа-сингил каби мерос олади.

\* Агар марҳумнинг ота-онабир ака-укаси мавжуд бўлса, отабир опа-синглиси меросга ҳақдор эмас.  
\* Агар марҳумнинг ота-онабир опа-синглиси ўзи якка қолса, унга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) тегади. Отабир опа-сингиллар эса, мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)га тенг шерик бўладилар;  
\* Агар марҳумнинг ота-онабир опа-сингиллари икки ёки ундан ортиқ бўлса, улар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик бўладилар-да, отабир опа-сингилларга ҳеч нарса тегмайди. Мабодо, уларнинг отабир ака ёки укаси бўлса, у холда, опа-сингиллар “асаба бил-гаир” йўли орқали мерос олишлари мумкин;

39-мисол. Отабир опа-сингил ва ота-онабир ака-ука қолди:

\* Мероснинг ҳаммаси ота-онабир ака-укага, отабир опа-сингилга ҳеч нарса.

40-мисол. Отабир сингил, ота-онабир опа-сингиллар ва амаки қолди:

\* Ота-онабир опа-сингиллар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик, қолгани, яъни  $\frac{1}{3}$  (учдан бири) амакига тегади. Отабир сингилга ҳеч нарса.

41-мисол. Отабир сингил, уч нафар ота-онабир опа-сингиллар, икки қиз ва она қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири),  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига икки қиз тенг шерик, қолганига уч нафар ота-онабир опа-сингиллар тенг шерик, отабир сингилга эса мерос тегмайди.

42-мисол. Отабир опа-сингил, ота-онаабир опа ва амаки қолди:  
\* *Ота-онаабир опага мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), отабир опа-сингил  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)га тенг шерик ва қолгани амакига.*

43-мисол. Отабир опа-ука ва ота-онаабир икки опа-сингил қолди:

\* *Ота-онаабир икки опа-сингил мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) суга тенг шерик ва қолгани отабир опа-укага (бир эркак учун икки аёл ҳиссаси) берилади.*

## 11. ЭМИКДОШЛАР МЕРОСИ

Эмикдошлар дейилганды бу ўринда мархумнинг онаабир ака-ука, опа-сингилларини назарда тутмоқдамиз. Улар факат күйидаги икки шарт билан мерос олишга ҳақдор бўладилар:

а) Маййитнинг меросхўр фуруълари (ўғли, қизи, ўғлининг ўғли ёки қизи кабилар) бўлмаса;

б) Маййитнинг меросхўр эркак усули (ота, отанинг отаси кабилар) мавжуд бўлмаса;

Эмикдош якка ўғил ё киз бўлса, унга мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) тегади. Агар икки ва ундан зиёда бўлса, мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бири) уларга эркак-аёл баб-баравар тақсим қилинади.

Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورَثُ كَلَلَةً أَوْ امْرَأَةً وَلَهُ أَحَدٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلٍّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا الْسُّدُسُ فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمُ شُرَكَاءٌ فِي الْأُثُلُثِ ﴾ النساء: ١٢

«Агар мероси қолаётган сўққабоши эркак ёки аёлнинг на отаси ва на боласи бўлмай, (она томонидан) бир ака ёки укаси, ёхуд бир опа ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар». (Кур’они карим, Нисо сураси, 12-ояти каримадан).

44-мисол. Онаабир ака-ука ва ота қолди:  
\* *Мероснинг ҳаммаси отага тегади. Онаабир ака-укага ҳеч нарса йўқ.*

45-мисол. Онаабир ака-ука, бир қиз ва амаки қолди.  
\* *Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) қизга, қолгани амакига тақсим бўлади.*

Онабир ака-указа ҳеч нарса йўқ.

46-мисол. Онабир ака-сингил, она ва ота-онабир ука қолди.  
\* Онага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири), онабир ака-сингил  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)га тенг шерик бўладилар. Қолгани ота-онабир указа.

## АСАБАЛИК МЕРОСИ

Юқорида мерос илмининг катта қисми бўлмиш “фариза” йўли ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди. Энди мероснинг яна бир тури – «асабалик» мероси тўғрисида сўз боради.

«Асаба» сўзи «аасиб» калимасининг кўплик шакли бўлиб, «асаба/йаъсибу/асбан» – “ўраб, қуршаб олмоқ” маъносини англатувчи феълдан ясалган. Кишининг асабаси дейилганда уни ҳимоя қилиб, ўзгалардан кўриб турувчи отаси, ўғиллари ва ота кариндошлари кўзда тутилади.

«Асабалик» мероси уч хил бўлади: «асаба бин-нафс», «асаба бил-гайр» ҳамда «асаба маал-гайр».

### 1. “АСАБА БИН-НАФС”

«Асаба бин-нафс» – насаб силсиласида аёл аралашмасдан мархум билан боғланган ҳар бир эркак киши. Масалан, ўғил; ўғилнинг ўғли; ўғилнинг ўғлиниң ўғли... ёки ота; отанинг отаси; отанинг отасининг отаси... ёхуд ака, аканинг ўғли кабилар.

Буларнинг мерос олиш тартиби қуйидагича кечади:

\* Ушбу сифатдаги “асаба” ёлғиз ўзи меросхўр бўлса, мероснинг ҳаммаси шу кишига тегади. **Аллоҳ таолонинг қавли:**

﴿يَسْتَفْتُونَكَ قُلْ أَللّٰهُ يُقْتَبِي كُمْ فِي الْكَلَلَةِ إِنْ أَمْرُوا هَلَّكَ لَيْسَ لَهُ وَلَدٌ وَلَهُ أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفٌ مَا تَرَكَ وَهُوَ يَرِثُهَا إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهَا وَلَدٌ﴾  
النساء: ١٧٦

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), Сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: «Аллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлмаган сўққабоиш одам тўғрисида ушибу фатвони берур: агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса, (агар) унинг синглиси бўлса, унга (акаси) қўйиб кетган мероснинг ярми тегур. Агар синглисининг фарзанди бўлмаса, (ва ўша сингил ўлса-ю акаси қоладиган бўлса) ака унга меросхўр бўлур» (Кур’они карим, Нисо сураси, 176-ояти каримадан).

- \* Борди-ю “фариза” бўйича мерос олувчилар мавжуд бўлса, аввал уларнинг “фариза”лари чиқариб олингач, қолгани “асаба”ларга тегади. **Аллоҳ таолонинг қавли:**

فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَرِثَةٌ وَأَبْوَاهُ فَلِأُمِّهِ الْثُلُثُ ﴿١١﴾  
النساء: ١١

«Энди агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси унга меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир тегур (қолгани отасига қолади)» (Кур’они карим, Нисо сураси, 11-ояти каримадан).

- \* Агар “фариза” эгалари ўз улушларини олиб бўлгач, мерос тугаб қолса, “асаба”га ҳеч нарса тегмай қолаверади. **Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан** куйидаги ҳадис ворид бўлган: «Фаризаларни эгаларига етказинглар, улардан бирор нарса ортиб қолса, энг яқин эркак қариндошига беринглар». Бу ердаги «эркак қариндоши» деган иборага катталар билан бир қаторда гўдаклар ҳам киради. Энг муҳими – рутбаси яқин бўлиши зарур. *Рутба* ҳақида қуироқда танишамиз.

47-мисол. Якка ўғил қолди:

- \* “Фариза” бўйича оладиган бошига меросхўрлар бўлмагани сабабли, «асабалик» бўйича ўғилга мероснинг ҳаммаси тегади.

Изоҳ: а) шунингдек, марҳумнинг фарзанди бўлмай, фақат отаси бўлганида ҳам мероснинг ҳаммаси отага тегади; б) агар ўғиллар икки ва ундан ортиқ бўлсалар, меросга барчалари тенг шерик бўладилар.

48-мисол. Якка ўғил ва ота-она қолди:

- \* Аввал ота-она улушлари – ҳар бирларига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссадан чиқариб олингач, қолгани ўғилга тегади.

### **«Асаба бин-нафс» рутбалари**

«Асаба бин-нафс» беш рутбадан иборат бўлади:

1. *Ўғил тараф*: ўғил, ўғилнинг ўғли, ўғилнинг ўғлиниг ўғли ва ҳоказо;

2. *Ота тараф*: ота, отанинг отаси, отанинг отасининг отаси ва ҳоказо;

3. *Ака-ука ва уларнинг ўғиллари тараф*: ота-она бир ака-укалар ва улардан кейин, отабир ака-укалар. Булар бўлмаса, ота-она бир ака-укаларнинг ўғиллари ва улардан кейин, отабир ака-укаларнинг ўғиллари;

4. *Амакилар ва уларнинг ўғиллари тараф*: Амакилар яъни, отанинг ота-она бир ака-укалари, улардан кейин отабир ака-

укалари. Булар бўлмаса – ота-онаабир амакининг ўғиллари, улар ҳам бўлмаса – отанинг отабир ака-укаларининг ўғиллари;

5. “Вало” (кулга озодлик баҳш этиш орқали унга валинеъмат бўлиб қолмоқлик) тарафи: кул (чўри)ни озод қилган эркак ёки аёл, улар бўлмаса, асаба бин-нафс бўйича мерос олувчи яқинлари.

Агар мархумнинг “асаба” меросхўрлари турли тарафдан жамланиб қолгудек бўлса, юқоридаги тартиб бўйича рутбаси юқори киши мерос олишга ҳақлидир. Қолганлари мерос олишдан маҳрум бўлади. Масалан, ўғиллар билан ака-укалар тўпланиб қолса, кейингиларга ҳеч нарса тегмайди.

Шунингдек, бир тарафдан турли меросхўрлар жамланиб қолса ҳам, улардан қайси бири мархумга кўпроқ яқин бўлса, ўша меросга ҳақли бўлади. Масалан, мархумнинг ота-онаабир ака-укалари билан бирга отабир ака-укалари ҳам бўлса, ота-онаабир ака-укалар отабирларини меросдан тўсадилар.

Рутбада ва яқинликда тенг бўлган меросхўрлар жамланиб қолса, уларга мерос баб-баравар тақсим қилинади. Масалан, тўрт нафар ўғиллар меросга ўзаро тенг шериқдирлар.

49-мисол. Ўғил ва ука қолди:

\* *Мероснинг ҳаммаси ўғилга тегади, чунки ўғил рутбаси уканикidan юқоридир.*

50-мисол. Хотин, ўғил ва ўғилнинг ўғли қолди:

\* *Хотинга  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир), қолгани ўғилга, чунки у ўғилнинг ўғлига қараганда мархумга яқинроқдир.*

51-мисол. Амакининг ўғлининг ўғли ва отанинг амакиси қолди:

\* *Мероснинг ҳаммаси амакининг неварасига тегади. Отанинг амакисига ҳеч нарса, чунки у меросхўрлардан эмас.*

52-мисол. Отабир ука ва ота-онаабир аканинг ўғли қолди:

\* *Мероснинг ҳаммаси отабир укага.*

53-мисол. Ота, хотин ва ўғил қолди:

\* *Отага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири), хотинга  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бири) ва қолгани ўғилга тегади. (Мерос 24 қисмга бўлинади: отага – 4 (тўрт), хотинга – 3 (уч) ва қолган 17 (үн етти) улуши ўғилга тақсим бўлади).*

54-мисол. Ўғилнинг қизи ва ота қолди:

\* *Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), отага – “фариза” бўйича  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани “асабалик” мероси бўйича тегади.*

55-мисол. Она ва отанинг отаси қолди:

\* *Онага ½ (учдан бири). Қолгани – бобога.*

56-мисол. Она, отанинг отаси ва ўғил қолди:

\* *Онага ¼ (олтидан бири), бобога ҳам ўшанча, қолгани – ўғилга.*

57-мисол. Эр, ота-онаабир ука ва отабир ука қолди:

\* *Эрга мероснинг ½ (ярми), қолгани ота-онаабир укага. Отабир укага ҳеч нарса.*

58-мисол. Якка қиз, отанинг отаси ва сингил қолди:

\* *Якка қизга мероснинг ½ (ярми), қолгани бобога тегади. Сингилга ҳеч нарса.*

59-мисол. Хотин, ота-онаабир аканинг ўғли, отабир уканинг ўғли ва амаки қолди:

\* *Хотинга мероснинг ¼ (чораги), қолгани ота-онаабир аканинг ўғлига тегади. Қолганларга ҳеч нарса.*

60-мисол. Якка қиз, икки ота-онаабир сингил, ота ва отанинг отаси қолди:

\* *Якка қизга мероснинг ½ (ярми), қолгани отага тегади. Отанинг отасига ва икки ота-онаабир сингилларга ҳеч нарса тегмайди, чунки ота ҳаёт ва уларни мерос олишидан тұсади.*

61-мисол. Икки қиз, отанинг ота-онаабир укаси, отанинг отабир акаси ва отанинг ота-онаабир акасининг ўғли қолди:

\* *Мероснинг ⅔ (учдан икки) қисмігінде икки қиз тенг шерік, қолгани отанинг ота-онаабир укасига тегади. Бошқаларга ҳеч нима.*

## 2. “АСАБА БИЛ-ҒАЙР”

Юқорида айтиб ўтилганидек, қиз, ўғилнинг қизи, ота-онаабир ёки отабир опа (сингил) якка ўзи меросхүр бўлса, мероснинг ½ (ярми)га ҳақдор бўлади. Икки ёки ундан ортиқ бўлса, мероснинг ⅔ (учдан икки) хиссасига тенг шерик бўладилар.

Энди мазкурлар билан бирга уларнинг ака ёки укалари ҳам мерос олсалар, бу аёллар “асаба бил-ғайр” – бошқалар билан биргаликдаги асаба бўладилар-да, мерос улар ўртасида бир эркак учун икки аёл хиссаси қилиб тақсим этилади.

Демак, “асаба бил-ғайр” бўйича мерос олувчиilar қуидагилардир:

1. Қиз(лар).

2. Ўғилнинг қиз(лар)и.

3. Ота-онаабир опа-сингил(лар).

4. Отабир опа-сингил(лар).  
Аллоҳ таолонинг қавли:

﴿ يُوصِّيْكُمُ اللَّهُ فِيْ أَوْلَادِكُمْ لِلَّدَّكِ مِثْلُ حَظِّ الْأَنْثَيْنِ ﴾

النساء: ١١

«Аллоҳ фарзандларингизга (тегишили мерос) ҳакида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур» (Кур'они карим, Нисо сураси, 11-ояти каримадан). Ва яна:

﴿ وَإِنْ كَانُوا إِخْوَةً رِجَالًا وَنِسَاءً فَلِلَّدَّكِ مِثْلُ حَظِّ الْأَنْثَيْنِ ﴾

النساء: ١٧٦

«Агар меросхўрлар ака-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур» (Кур'они карим, Нисо сураси, 176-ояти каримадан).

62-мисол. Уч ўғил ва беш қиз қолди:

\* Мероснинг ҳаммаси 11 (ўн бир)га тақсим қилинади, шундан 3 (уч) ўғилга 2 (икки) ҳиссадан 6 (олти), қолгани 5 (беш) қизга 1 (битта)дан тегади.

63-мисол. Ўғилнинг икки қизи ва уч ўғли қолди:

\* Мерос 8(саккиз)га тақсим қилиниб, 2 (икки) қизга 1 (битта)дан, қолган 6 (олти) қисми 3 (уч) ўғилга 2 (икки)тадан тегади.

64-мисол. Икки хотин, ўғил ва икки қиз қолди:

\* Мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бири)га – 2 (икки) хотин тенг шерик, қолгани 4 (тўрт)га бўлинади – 2 (икки)си ўғилга ва икки қизга 1 (битта)дан тегади.

65-мисол. Хотин, уч қиз ва ўғилнинг ўғли қолди:

\* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир)и, уч қизга мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)си, қолгани ўғил невараага тегади.

66-мисол. Она, ота-онабир ака-сингил ва отабир сингил қолди:

\* Онага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани ақага 2 (икки) ва сингилга 1 (бир) ҳисса тегади. Отабир сингилга йўқ.

67-мисол. Эр ва отабир ака-сингил қолди:

\* Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани ақага 2 (икки) ва сингилга 1 (бир) ҳиссадан тегади.

68-мисол. Якка қиз, ўғилнинг қизи ва отабир ака-сингил қолди:

\* Якка қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани ака-сингилга бир эркак учун икки аёл ҳиссаси қилиб тақсим этилади.

69-мисол. Якка қиз, ака ва сингил қолди:

\* Якка қизга –  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани 3 (уч) қисмга бўлиниб, 2 (икки)си акага ва 1 (бири) сингилга тегади.

Эслатма: Баъзан қизлар ўзларининг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) хиссаларини олиб бўлгач, ўғилнинг қизига "фариза" меросидан ҳеч нарса қолмайди. Шу ўринда у билан бирга акаси ёки укаси бўлса, "асаба бил-гайр" бўйича мерос олиши табиий. Мабодо улар бўлмасдан ўзидан бир зурриёт қуи – яъни, ўғилнинг ўғли бўлса, ўша жияни сабабли ўғилнинг қизи ҳам яна "асаба бил-гайр" меросига ҳақдор бўлиб қолади. Акс ҳолда, қизга мерос тегмайди. Бу жараён ўғилнинг ўғилларига хос бўлиб, ака-уканинг ўғиллари опа-сингилларни "асаба бил-гайр" меросига ҳақли эта олмайдилар.

### 3. "АСАБА МААЛ-ҒАЙР"

Ота-онаабир ҳамда отабир опа-сингиллар мархумнинг қизлари ёки ўғлининг қизлари билан биргаликда мерос оладиган бўлсалар, у ҳолда опа-сингиллар юқорида айтилгандай *фариза* бўйича эмас, "асаба маал-гайр" (бошқалар орқали *асабалик*) бўйича мерос оладилар.

Бу ҳолатда ота-онаабир опа-сингил ота-онаабир ака-ука қандай мерос олса, шундай мерос олади. Шунингдек, отабир опа-сингилнинг мероси ҳам отабир ака-уканикidek бўлади.

**Далил:** Имом Бухорий ривоят қиласидар: «Ибн Масъуд розияллоҳу таоло анҳудан бир киши сўради: «Қиз, ўғилнинг қизи ва сингил қолган бўлса нима фатво берасиз?». «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмларини адo этаман, яъни: Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) – иккаласининг ҳиссаси  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) бўлиб, қолгани – сингилга», - деб фатво бердилар» .

70-мисол. Якка қиз, отабир ука ва ота-онаабир сингил қолди:

\* Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) қизга, қолгани ота-онаабир сингилга. Отабир укага ҳеч нарса.

71-мисол. Қизи ва ота-онаабир синглиси қолди:

\* Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани сингилга тегади.

72-мисол. Она, икки қиз ва ота-онаабир сингил қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири), икки қиз –  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)га

*тенг шерик ва қолгани – сингилга.*

73-мисол. Якка қиз, ўғилнинг икки қизи ва отабир сингил қолди:

\* Якка қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг 2 (икки) қизи мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)га тенг шерик ва қолгани отабир сингилга тегади.

74-мисол. Ўғилнинг қизи ва отабир икки сингил қолди:

\* Ўғилнинг қизига мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва қолгани отабир сингилларга тенг тақсум этилади.

## **ҲАР ХИЛ МИСОЛЛАР**

75-мисол. Уч нафар ота-онабир ака-укалар қолди:

\* Мероснинг ҳаммаси ака-укаларга тенг бўлиниади.

76-мисол. Якка ўғил ва мархумнинг уч ака-укалари қолди:

\* Бор мерос ўғилга тегади, чунки у энг яқин “асаба” ҳисобланади

77-мисол. Сўққабош эр қолди;

\* Сўққабоши эрга мероснинг ярми тегади. Қолгани бошқа меросхўр бўлмагани учун “уруглар”дан энг яқинига берилади. (56-бетга қаранг).

78-мисол. Якка қизни ташлаб она вафот этди:

\* Якка қизга “фариза” бўйича мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), бошқа меросхўр бўлмагани учун – қолган  $\frac{1}{2}$  (ярми) ҳам унга қайтади.

79-мисол. Якка қиз ва ўғилнинг қизи қолди:

\* “Фариза” бўйича қизга  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) тегади. Қолгани яна ўшандай улуши билан қайтарилади. Натижада, якка қизга мероснинг  $\frac{3}{4}$  кисми ва ўғилнинг қизига  $\frac{1}{4}$  кисми тақсумланади.

80-мисол. Ота-онабир ёки отабир сингил қолди.

\* “Фариза” бўйича: сингил  $\frac{1}{2}$  (ярми)ни олади, қолгани яна ўзига қайтади.

81-мисол. Якка қиз, ўғилнинг қизи ва сингил қолди:

\* Якка қизга  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани сингилга.

82-мисол. Якка қиз, ўғилнинг қизи, ўғилнинг ўғли ва сингил қолди:

\* Якка қизга  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани ўғилнинг невараасига. Сингилга ҳеч нарса, чунки «асаба бин-нафс» бўлган невара уни тўсиб қўяди.

83-мисол. Якка қиз, ота-онабир сингил, отабир ука-сингил

қолди:

\* Қизга  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани ота-онабир сингилга тегади. У «асаба маал-гайр» бўлиб, отабир ука-сингилни тўсиб қўяди.

84-мисол. Ўғилнинг қизи, ўғилнинг ўғли ва сингил қолди:

\* Ўғилнинг қизига  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва қолгани ўғилнинг неварасига. Сингилга ҳеч нима.

85-мисол. Эр ва ўғилнинг қизи қолди:

\* Эрга  $\frac{1}{4}$  (чорак) (агар меросхўр невара бўлмаганида – “фариза” бўйича,  $\frac{1}{2}$  (ярми) теккан бўлар эди), ўғилнинг қизига “фариза” бўйича  $\frac{1}{2}$  (ярми) тегади. Қолгани бошқа меросхўр бўлмагани сабаб яна қизга қайтади (Агар эр амакивачча бўлганида: ўғилнинг қизига  $\frac{1}{2}$  (ярми), эрга  $\frac{1}{4}$  (чораги) “фариза” ва қолгани “асабалик” бўйича теккан бўлур эди).

86-мисол. Хотинни ташлаб эр вафот этди:

\* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{4}$  (чораги), қолгани бошқа меросхўр бўлмагани учун “уруглар”дан энг яқинига берилади. (56-бетга қаранг).

87-мисол. Хотин ва сингил қолди:

\* Хотинга  $\frac{1}{4}$  (чораги) ва қолгани сингилга тегади. (Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) “фариза” бўйича, қолгани бошқа меросхўр бўлмагани сабабли сингилга қайтади).

88-мисол. Хотин ва қиз қолди:

\* Меросхўр фарзанд борлиги сабабли “фариза” бўйича хотинга  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бири) тегади. Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) қизга ва яна қолгани ҳам бошқа қариндоши меросхўр йўқлиги учун унга қайтади. Демак, қизга –  $\frac{7}{8}$  (саккиздан еттиси) тегади.

89-мисол. Икки хотин, қиз, ота-онабир сингил ва ўғилнинг қизи қолди:

\* “Фариза” бўйича мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бири)га 2 (икки) хотин тенг шерик бўлади. Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани «асаба маал-гайр» бўйича сингилга берилади. (Мерос 24 қисмга бўлиниб, 3 (учи)га икки хотин тенг шерик, 12 (ўн икки)си – қизга, ўғилнинг қизига 4 (тўрт)и ва 5 (беш)и – сингилга тегади).

90-мисол. Икки қиз қолди:

\* “Фариза” бўйича қизлар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик бўлишиар эди. Аммо шу икки қиздан бошқа меросхўр бўлмагани сабабли, барча мерос икки қиз ўртасида баробар

*қайта тақсум этилади.*

91-мисол. Уч қиз, ота-онабир сингил ва отабир опа (сингил) қолди:

\* *Мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига 3 (уч) қиз тенг шерик, қолгани ота-онабир сингилга тегади. Отабир опа (сингил)га ҳеч нима.*

92-мисол. Ўғилнинг икки қизи, она ва отабир сингил қолди:

\* *Ўғилнинг икки қизи мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмига тенг шерик, онага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) ва қолгани отабир сингилга. (Мерос 6 га тақсум бўлади: 4 (тўрт)таси икки қизга, онага 1 қисми ва яна бири сингилга).*

93-мисол. Икки қиз, ўғилнинг икки қизи ва ўғилнинг ўғлининг ўғли қолди.

\* *Икки қиз мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик. Ўғилнинг икки қизи билан ўғилнинг невараси «асаба бил-гайр» мероси бўйича оладилар: қолган  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ҳисса тўрт қисмга бўлинниб, икки қизга биттадан ва ўғилнинг неварасига 2 қисм тегади.*

94-мисол. Ота-онабир опа-сингил ва отабир сингил қолди:

\* *Опа-сингил мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик ва қолгани ҳам уларга қайтади. Отабир сингил қуруқ қолади. (Агар опа-сингил бир нафар бўлганида, отабир сингилга  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) тегар эди).*

95-мисол. Ота-онабир опа-сингил, отабир ука-сингил қолди:

\* *Ота-онабир опа-сингил мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик, қолган  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и 3 (уч) қисмга бўлинниб, 2 (икки)си укага ва 1(бири) сингилга тегади.*

96-мисол. Ота-онабир ака-сингил ва отабир опа-сингил қолди:

\* *Отабир опа ва сингилга ҳеч нарса тегмайди, чунки ота-онабир ака уларни тўсади. Демак, мероснинг ҳаммаси ота-онабир ака ва сингил ўртасида тақсимланади. Бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур.*

97-мисол. Ота-онабир сингил ва отабир икки сингил қолди:

\* *Ота-онабир сингилга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), отабир 2 (икки) сингилга –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и тегиши керак. Лекин, бошқа меросхўр бўлмагани сабабли қолгани ҳам уларга ўз ҳиссалари бўйича қайтади. Пировардида, мерос 4 (тўрт)га бўлинниб, 3 (уч) қисми ота-онабир сингилга ва 1 (бири) – отабир икки сингилга тегади.*

98-мисол. Ота-онабир сингил, отабир ука ва сингил қолди:

\* *Ота-онабир сингилга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани 3 (уч) қисмга бўлинниб, 2 (икки)си – отабир укага ва 1 (бiri) отабир сингилга тегади.*

99-мисол. Икки сингил, отабир сингил ва отабир аканинг ўғли қолди:

\* *Икки сингил мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик, қолгани отабир аканинг ўғлига тегади. Отабир сингилга ҳеч нарса ўйқ.*

100-мисол. Ота-онабир ука ва отабир икки сингил қолди:

\* *Мероснинг ҳаммаси укага тегади. Отабир сингилларга ҳеч нарса ўйқ.*

101-мисол. Ота-онабир икки сингил, отабир сингил ва амаки қолди:

\* *Ота-онабир икки сингил мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик, қолгани амакига тегади. Отабир сингилга ҳеч нарса.*

102-мисол. Ота-онабир сингил, отабир сингил ва амаки қолди:

\* *Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) ота-онабир сингила,  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и отабир сингилга ва қолгани амакига тегади.*

103-мисол. Она ва ота-онабир ука қолди:

\* *Онага мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и, қолгани отага «асаба бин-нафс» бўйича тегади. Ота-онабир ука қуруқ қолади.*

104-мисол. Ота-она ва ота-онабир ука қолди:

\* *Онага мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и, қолгани отага «асаба бин-нафс» бўйича тегади. Ота-онабир ука қуруқ қолади.*

105-мисол. Ота-она ва уч қиз қолди:

\* *Қизлар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)сига тенг шерик, ота ва онанинг ҳар бирига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улушидан бўлинади. (Мерос 6 (олти)га тақсим бўлиб, 4 (тўрт)и — қизга ва ота-онага эса, 1 (бир) ҳиссадан тегади).*

106-мисол. Ота-она, ўғил ва қиз қолди:

\* *Ота-онанинг ҳар бирларига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссадан, қолгани – ўғилга 2 (икки), қизга 1 (бир) ҳисса тегади. (Мерос 18 (ўн саккиз) қисмга бўлинади, шундан отага – 3 (уч), онага – 3 (уч), ўғилга – 8 (саккиз) ва қизга – 4 (тўрт) улуши тегади).*

107-мисол. Она, онабир ука ва сингил қолди:

\* *Онага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, онабир ука ва сингил мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)ига тенг шерик. Қолгани 3 (уч) қисмга бўлинниб, яна ҳаммаларига 1 (бир) улушидан қайтади.*

108-мисол. Она, амаки ва онабир икки сингил қолди:

\* *Онага  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир), онабир 2 (икки) сингилга  $\frac{1}{3}$  (учдан бир), қолгани «асаба бин-нафс» бўйича амакига тегади.* (Мерос 6 (олти)га тақсимланиб, она ва онабир икки сингилнинг ҳар бирига 1 (битта)дан, қолган 3 (уч) қисми – амакига).

109-мисол. Ота-она ва онабир ука қолди:

\* *Онага  $\frac{1}{3}$  (учдан бир), қолгани отага тегади. Онабир укага ҳеч нарса.*

110-мисол. Хотин, ота-она ва отабир ука қолди.

\* *Хотинга  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир), онага қолган мероснинг учдан бири ва қолгани отага тегади. Отабир укага ҳеч нима.* (Бу «Умариятайн» масаласининг кўринишларидан биридир).

111-мисол. Эр, ота-она, ота-онабир ука ва онабир ука қолди:

\* *Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), онага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани отага тегади. Ота ҳамма укаларни тўсди.* (Мерос 6 (олти)га тақсимланиб, эрга – 3 (уч), онага – 1 (бир) ва отага 2 (икки) улуши тегади).

112-мисол. Эр, она ва ота-онабир ука қолди:

\* *Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), она –  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и ва қолгани «асаба бин-нафс» бўйича укага тегади.* (Мерос 6 (олти)га тақсимланиб: эрга – 3 (уч), она – 2 (икки) ва укага 1 (бир) улуши тегади).

113-мисол. Хотин, она, онабир икки ука ва ўғилнинг қизи қолди:

\* *Хотин мероснинг  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир)и билан кифояланади, она –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, ўғилнинг қизига –  $\frac{1}{2}$  (ярми), онабир икки ука ўғилнинг қизи сабабли меросдан тўсилди.* Ортиб қолгани она билан ўғилнинг қизига ўз ҳиссаларига муносиб қайта тақсим қилинади.

114-мисол. Ота ва уч ўғил қолди:

\* *Отага ўзининг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссаси тегади. Қолганига 3 (уч) ўғил тенг шерик.*

115-мисол. Ота ва уч қиз қолди:

\* *Отага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и “фариза” бўйича, 3 (уч) қиз  $\frac{1}{3}$  (учдан икки) ҳиссага тенг шерик, қолгани яна отага «асаба бин-нафс» бўйича берилади.* (Мерос 6 (олти)га тақсимланиб: уч қиз 4 (тўрт) ҳиссага тенг шерик ва отага 2 (икки) улуши тегади).

116-мисол. Ота, ўғил ва қиз қолди:

\* *Отага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани ўғил билан қизига (бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида) тақсим бўлади.*

(Мерос 18 (үн саккиз)га тақсимланиб: отага 3 (үч), ўғилга 10 (үн) ва қизга 5 (беш) ҳисса тегади).

117-мисол. Она, ўғил ва қиз қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани ўғил билан қизга (бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида) тақсим бўлади.

118-мисол. Ота-она, ўғил ва икки қиз қолди:

\* Отага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир), онага ҳам  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир), қолгани ўғил-қизга (бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида) тақсим бўлади. (Мерос 6 (олти)га тақсимланиб: отага – 1 (бир), онага – 1 (бир), ўғилга – 2 (икки) ва 2 (икки) қизга 1 (битта)дан тегади).

119-мисол. Она, ота-онаабир ука ва отабир ука қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани ота-онаабир укага тегади. Отабир укага ҳеч нарса.

120-мисол. Якка қиз ва отанинг отаси қолди:

\* Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), бобога “фариза” бўйича  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолгани “асабалик” бўйича тегади.

121-мисол. Она, ўғилнинг қизи ва отанинг отаси қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, ўғилнинг қизига –  $\frac{1}{2}$  (ярми), қолгани бобога ( $\frac{1}{6}$  – олтидан бири “фариза” ва ортгани “асабалик” бўйича) тегади.

122-мисол. Она, отанинг отаси, ўғил ва қиз қолди:

\* Она ва бобонинг ҳар бирларига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) ҳиссадан, қолгани ўғил билан қизга (бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида) тегади.

123-мисол. Ўғилнинг қизи, отанинг отаси ва ота-онаабир ука қолди:

\* Ҳанафий мазҳаби бўйича бобо – отанинг ўрнини босади. Шунинг учун, ўғилнинг қизига  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва иккинчи ярми – бобога тегади. Укага ҳеч нарса тегмайди. (Бошқа мазҳабларда: қизга – ярми, қолгани бобо ва ука ўртасида тақсимланади).

124-мисол. Эр, она ва отанинг отаси қолди:

\* Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), онага –  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и ва қолгани бобога тегади.

125-мисол. Хотин, она ва отанинг отаси қолди:

\* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир)и, онага –  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и ва қолгани бобога. (Мерос 12 (үн икки)га тақсим қилиниб, 3 (уч)таси хотинга, 4 (тўрт)таси онага ва 5 (беш)таси бобога тегади).

126-мисол. Она, қиз, ўғилнинг қизи ва отанинг отаси қолди:

- \* Мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и онага, қизга –  $\frac{1}{2}$  (ярми), ўғилнинг қизига –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолгани бобога тегади. (Мерос 6 (олти)га тақсум қилиниб, қизга 3 (үч) ҳисса ва қолган учовларига 1 (битта)дан тегади).

127-мисол. Ота-онабир сингил ва отабир икки сингил қолди:

- \* Ота-онабир сингилга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), отабир сингиллар  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)ига тенг шерик. Қолгани яна ҳар кимнинг ўз улушига яраша қайта тақсум бўлади. (Мерос 8 (саккиз)га бўйиниб, 6 (олти)си сингилга ва отабир икки сингилга 1 (битта)дан тегади).

128-мисол. Хотин, онабир ука, онанинг онаси ва отанинг отаси қолди:

- \* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{4}$  (тўртдан бир)и, онанинг онасига –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолгани бобога тегади. Онабир укага улуш йўқ, чунки уни бобо тўёсди. (Мерос 12 (ўн икки)га тақсимланиб, хотинга – 3 (үч), бувига – 2 (икки) ва бобога 7 (етти) ҳисса тегади).

129-мисол. Икки нафар бир хил даражали буви, ота-онабир сингил, отабир сингил ва онабир сингил қолди:

- \* Бувилар  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)ига тенг шерик, ота-онабир сингилга  $\frac{1}{2}$  (ярми), отабир ва онабир икки сингилнинг ҳар бирига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улушдан тегади. (Мерос 12 (ўн икки)га тақсимланиб, сингилга олти, икки бувига биттадан ва икки сингилга иккитадан тегади).

130-мисол. Отанинг отаси, қиз, онанинг онаси ва отанинг онаси қолди:

- \* Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), бувилар –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)га тенг шерик, бобога  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) “фариза” бўйича ва қолгани “асабалик” бўйича тегади. (Мерос 12 (ўн икки)га тақсимланиб, қизга олти, бувиларга биттадан ва бобога икки ҳисса тегади).

131-мисол. Ота, онабир сингил ва онанинг онаси қолди:

- \* Онанинг онасига мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолгани отага. Ота онабир сингилни мерос олишдан тўсади.

132-мисол. Ота, қиз, онанинг онаси ва отанинг онаси қолди:

- \* Қизга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), бувилар  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)ига тенг шерик, отага “фариза” бўйича  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани “асабалик” бўйича берилади. (Мерос 12 (ўн икки)га тақсимланиб, қизга олти, бувиларга биттадан ва отага тўрт ҳисса тегади).

133-мисол. Она, отанинг отаси, онабир икки ука, онанинг онаси ва отанинг онаси қолди:

\* *Онага мероснинг ¼ (олтидан бир)и ва қолгани бобога тегади.*  
*(Бу ерда она – онанинг онасини ва отанинг онасини, шунингдек, бобо – онабир икки уканы түсіб құйшиди).*

## МУРОСАГА КЕЛИШ ВА ҚАЙТАРИШ

Үтган масала ва мисолларга назар солсақ, күп ҳолатларда ташлаб кетилған мол-мулк меросхўрларга “фариза” бўйича ҳақлари тақсимлангач, меросдан ҳеч нарса ортиб ёки етмасдан қолмади. Масалан: 129 ва бошқа мисоллар;

Баъзи мисолларда эса, “фариза” бўйича тақсимлангандан кейин, ҳақдорлар “асабалик” йўли билан ўз хиссаларини олгач, меросдан ҳеч нарса ортиб ҳам, етмасдан ҳам қолмади. Масалан: 13, 20, 31, 55, 120, 131 ва бошқа мисоллар;

Яна баъзи мисолларда “фариза” бўйича тақсимлангандан кейин, ортиб қолгани ҳақдорларнинг ўзларига қайта тақсим қилинди. Масалан: 78, 79, 90, 94, 97, 107, 113, 127 кабилар.

Үтган баъзи уламоларнинг фатвоси билан ортиб қолган мерос «Байтул-мол»га топширилган. Лекин, бошқа уламолар ортиб қолган меросни ўша “фариза” бўйича олган меросхўрларнинг яна ўзларига қайта тақсимлаб беришга ижтиҳод қилдилар. Улар бунга *Кур’они каримдаги*

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَى بِعَضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ مِنْ﴾

﴿الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُهَاجِرِينَ﴾ ۶ الأحزاب

«Аллоҳнинг Китобида қариндоши-уруглар (меросхўрликда) бир-бирларига (қариндош бўлмаган) мўминлардан ва муҳожислардан кўра ҳақдорроқдирлар». (Кур’они карим, Аҳзоб сураси, 6-ояти карима)ни асос қилиб олдилар. Биз ҳам шу йўлга эргашдик.

Меросхўрлар орасидан эр-хотин мерос қайта тақсим қилинаётганида улуш ола олмайдилар. Чунки уларнинг меросга ҳақли бўлиш сабаби *насаб* – қариндошлик бўлмай, балки *никоҳ* орқалидир.

## Муросага келиш ҳолати

Айрим ҳолларда меросхўрларга “фариза” йўли билан мерос

тақсим қилинар чоғида, “фариза”лар ҳиссаси мавжуд меросдан ортиқ келиб қолади. (Масалан, меросга эр ва икки ота-онаабир опа-сингил ҳақдор бўлганда, эрга  $\frac{1}{2}$  - ярим, опа-сингилга  $\frac{2}{3}$  - учдан икки тегиши керак). Бундай ҳолат биринчи бор ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу таоло анҳу халифалик даврларида содир бўлган бўлиб, у зот саҳобалар билан кенгашиб олганларидан кейин, “фариза”лар миқдорини бир хилда камайтиришга хукм қилганлар. *Хулафои рошиодийн суннатлари*дан бири қаторидан жой олган бу ҳолат араб тилида «авл» деб ном олган бўлиб, буни шартли равища “муросага келиши ҳолати”, деб атадик.

134-мисол. Эр, ота-онаабир сингил ва отабир сингил қолди:

\* Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), ота-онаабир сингилга ҳам  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва отабир сингил эса  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири)га ҳақдор. Мерос б (олти) қисмга бўлинса: эрга уч ҳисса (ярми), ота-онаабир сингилга ҳам уч ҳисса (ярми), отабир сингилга бир ҳисса, мерос етмайди. Муросага келамиз-да, меросни 7 (етти) қисмга бўлиб, эрга – 3 (уч), сингилга ҳам –3 (уч) ва отабир сингилга 1 (бир) ҳисса берамиз. Шунда барчанинг улушлари бир хилда камаяди.

135-мисол. Икки хотин, она, сингил ва отабир сингил қолди:

\* Икки хотин мероснинг  $\frac{1}{4}$  (чораги)га тенг шерик, онага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, сингилга –  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва отабир сингилга  $\frac{1}{6}$  (олтидан бири) тегиши керак. Мерос етмайди. Муроса: Мерос 13 қисмга бўлиниб, мазкурларга  $(3+2+6+2)=13$  тартибда тақсимлаб берилади.

136-мисол. Эр, икки қиз, она, ота-онаабир сингил ва отабир сингил қолди:

\* Эрга  $\frac{1}{4}$  (чорак), икки қиз мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) ҳиссасига тенг шерик, она  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) улуши олишига ҳақдор. Ота-онаабир сингил отабир сингилни тўсиб, ўзи “асаба маал-гайр” мероси бўйича қолганини олиши керак эди, лекин мерос “фариза” эгаларига ҳам етмай турибди. Муроса: мерос 13 (үн уч) қисмга тақсимланиб, эрга 3 (уч), икки қизга 8 (саккиз), онаға 2 (икки) ҳиссадан берилади. (148- ва 149- мисоллар ҳам “муроса” мавзусига оидdir).

## ТЎСИШ – ТЎСИЛИШ

Бир меросхўрнинг бошқа меросхўр томонидан мерос олишдан тўлиқ ёки қисман манъ этилиш ҳолати – тўсиши ёки тўсилиши дейилади.

*Тўсилии икки турли бўлади: тўлиқ ёки қисман.*

*Қисман тўсилишига куйидаги ҳолатларни келтириб ўтамиш:*

- *Она билан бола ўртасида:* Бефарзанд майитнинг онаси мероснинг  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)ини оладиган бўлса – фарзанди бор мархумнинг онасига  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) хисса тегади;
- *Эр-хотин билан бола ўртасида:* Эр ўзининг боласиз хотинидан қолган мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми)ни оладиган бўлса, бола қолдирган хотиндан эрга –  $\frac{1}{4}$  (чорак) хисса тегади; Шунингдек, хотин ўзининг боласиз эридан қолган мероснинг  $\frac{1}{4}$  (чораг)ини оладиган бўлса, фарзандли эрдан хотинга –  $\frac{1}{8}$  (саккиздан бир) хисса тегади;
- *Қиз билан ўғил ўртасида:* Якка қиз ота ёки онадан қолган мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми)ни олса, ўғил (яъни, қизнинг ака ёки укаси) билан бирга мерос олаётган қиз эса – ўғилнинг  $\frac{1}{2}$  (ярим) улуши баробарида мерос олади;

*Қисман тўсилиши ҳолатлари тез-тез учраб турадиган бўлиб, ўтган мисолларда буларнинг кўплаб намуналарини учратиш мумкин. Лекин, тўсилишининг асосий, муҳим қисми тўлиқ тўсилиши бўлиб, эндиги сўзларимиз шу ҳақда боради.*

*Тўлиқ тўсилиши ҳолатларини баён этишдан олдин шуни таъкидламоқчимизки, мархумга бевосита боғланадиган меросхўрлар ҳеч қачон тўлиқ тўсилимайдилар. Улар ота, она, ўғил, қиз, эр, хотинлардан иборатдир.*

*Тўлиқ (мутлақ) тўсилиши куйидаги ҳолларда рўй беради:*

1. *Усуллар ўртасида:* Усуллардаги ҳар бир меросхўр юқоридаги ўз жинсидан бўлган меросхўрни тўсади. Ота – боболарни, она эса бувиларни мерос олишдан тўсади;

2. *Фуруълар ўртасида:* Ҳар бир ўғил, ўғилнинг ўғли (ва ҳоказо) ўзидан қуйида келган ўғил ва қизни тўсади. Меросхўр қиз эса, ўзидан қуйида келган қизларни тўсмайди, лекин, икки ва ундан ортиқ қизлар мероснинг  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) қисмига тенг шерик бўлишиб, ўzlаридан қуйида келган қизларга мерос қолдирмайдилар. Магар қизларнинг даражасида ёки улардан қуйида бўлган ўғилнинг ўғли мавжуд бўлса, қизлар “асаба билгайр” тақсимоти бўйича мерос олишга ҳақдор бўладилар;

3. *Ҳавоий ўртасида:* Агар усул ёки фуруъда меросхўр эркак зоти бўлса, ҳавоийни мерос олишдан тўсади. Масалан: Ота бор бўлса, амакини тўсади. Ўғил бўлса ҳам амакини тўсади. Усул ёки фуруъдаги аёллар ҳавоийни тўса олмайдилар, магар фуруъдаги аёллар (мархумнинг қизлари ёки ўғилларининг қизлари) онанинг болаларини (онабир ака-сингил, опа-укаларни) тўсиб қўядилар;

4. Ҳавоиший орасидан баъзилар “асабалик” меросини олар экан, юқори даражадаги қуидагисини түсади. Масалан, ота-онабир ака-укалар – отабир ака-укаларни түсиб қўядилар;

Бефарзанд мерос қолдирувчининг якка синглиси “фариза” хиссаси –  $\frac{1}{2}$  (ярим)ни олгач, ўзидан кейинги отабир опа-синглисини түса олмайди. Аммо сингиллар икки ва ундан ортиқ бўлса,  $\frac{2}{3}$  (учдан икки) хиссани олгач, ўзидан қуидагиларга улуш қолмай қолади. Мабодо, улар орасида бир нафар бўлса-да, эркак зоти бўлиб қолса, қолганларни ҳам “асабалик” мероси олишларига ҳақдор қилиб қўяди;

5. Мархумга бевосита боғланган ҳар бир меросхўр ўзи орқали келган бошқа меросхўрларни түсади. Масалан, ўғил ўғилнинг ўғлини, ота отанинг отасини меросдан түсади, илло онабир фарзандларнинг мерос олишларини она түса олмайди;

6. Асаба бин-нафс, бил-гайр ёки маал-гайр барчаси – яқини узогини, «бақуввати» «кучсизи»ни түсиб қўяди. Илло, мархумнинг ўғиллари ота ва бобога қараганда мархумга яқинроқ бўлғанликлари боис уларни “асабалик” тақсимоти бўйича мерос олишдан “фариза” бўйича мерос олишга туширсалар-да, бутунлай түса олмайдилар. Бинобарин, ота ўғилдек мархумга бевосита боғланганлиги сабаб, унга ўғил борлигида ҳам  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир) мерос тегади;

7. Она “асабалик” бўйича мерос олувчилардан бўлмаганлиги боис у орқали мархумга боғланган эмикдошлар ҳам “асаба” хисобланмайди. Шунга кўра эркак ва аёл эмикдошлар бир хил миқдорда улуш оладилар. Уларни мархумнинг меросхўр фарзандлари ва усул тарафдан эркак зоти түсиб қўяди;

\* Кизлар ўғиллар билан бирга “асаба бил-гайр” меросини олар эканлар, мархумнинг ўғлининг фарзандини ва туғишган, отабир ёки эмикдош ака-укасини ҳамда уларнинг фарзандларини, барчасини түсиб қўядилар; Шунингдек, мархумнинг туғишган опа-сингиллари ўз ака-укалари билан бирга отабир ака-ука ва опа-сингилларни түсиб қўядилар;

Агар туғишган опа-сингиллар мархумнинг қизлари билан “асаба маал-гайр” бўйича мерос олаётган бўлсалар, улар ҳам ўз навбатида, отабир ака-ука, опа-сингилларни түсиб қўядилар.

**“Табаррук” ака (ёки ука)га мисол:** икки ёки ундан кўп қизлар, ўғилнинг қизи ва ўғилнинг ўғли қолди.

\* Агар ўғилнинг ўғли бўлмаганида, ўғилнинг қизи қуруқ қолган бўлур эди, зеро мархум(а)нинг икки ёки ундан кўп қизлари тариканинг ҳаммасини тенг тақсим қилиб олган бўлур эдилар

(90-мисолга қаранг) Энди, ўғилнинг ўғли яъни, “**табаррук**” ака-уқанинг борлиги сабабли, ўғилнинг қизига ҳам улуши тегиб қолади. Демак, масала куйидагича ҳал бўлади: икки ёки ундан кўп қиз мероснинг 2/3(учдан икки) қисмини ўзаро тақсим қиласадилар. Қолгани 3 (уч)га бўлинниб, 2 (икки) ҳиссаси невара ўғилга ва (1) бир ҳиссаси невара қизга насиб бўлади.

**“Шум” ака ёки ука мисол:** эр, ота-онабир сингил, отанинг синглиси ва ака (ёки ука) қолди.

\* Фарзанд йўқлиги сабаб мерснинг (1/2)ярми эрга, иккинчи (1/2) ярми ота-онабир сингилга тегиб, асабаларга ҳеч нарса қолмайди.

**“Шум” ака ёки ука сабабли, отанинг синглиси меросдан қуруқ қолади, зеро у бўлмаганида отанинг синглиси тариканинг 1/6(олтидан бири)га, ота-онабир сингил мероснинг иккинчи ярмининг 2/3 (учдан икки) улушига эга бўлган бўлиб, аммо тарика етмай қолгани сабабли, авл-муросага келинган бўлур эди (134-136-мисолларга таққосланг).**

### Мутлақ тўсуви-тўсилиувчиларни кўрсатувчи жадвал

т/р	Тўсилиувчи	Т ў с у в ч и
1	Бобо (отанинг отаси)	Ота ёки кенжা бобо
2	Буви (онанинг ёки отанинг онаси)	Она
3	Ўғилнинг ўғли	Ўғил
4	Ота-онабир ака-ука	Ўғил, ўғилнинг ўғли, ота, отанинг отаси
5	Отабир ака-ука	Ўғил, ўғилнинг ўғли, ота, бобо, ака-ука ва «асаба маал-гайр» бўлган опа-сингил
6	Ота-онабир ака-уқанинг ўғли	Ўғил, ўғилнинг ўғли, ота, бобо, ака ё ука, «асаба маал-гайр» бўлган ота-онабир опа-сингил ва отабир опа-сингил (8 жон).
7	Отабир ака-уқанинг ўғли	8 жон ва ака-уқанинг ўғли (9 жон).
8	Амаки	9 жон ва отабир ака-уқанинг ўғли (10 жон).
9	Отабир амаки	10 жон ва амаки (11 жон).
10	Амакининг ўғли	11 жон ва отабир амаки (12 жон).
11	Отабир амакининг ўғли	12 жон ва амакининг ўғли (13 жон).
12	Онабир ака-ука	Марҳумнинг меросхўр фарзанди ва эркак усуллар (ота, отанинг отаси ва

137-мисол. Ўғил, ўғилнинг ўғли, отанинг отаси, ука ва сингил қолди:

\* Бобога “фариза” бўйича  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолгани ўғилга, зеро у марҳумга энг яқин асаба ҳисобланади ва ўғилнинг ўғлини, укани, ҳамда сингилни тўсади.

138-мисол. Она, онабир ука, ота-онабир ака-сингил ва бошқа аканинг ўғли қолди:

\* Онага “фариза” бўйича  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, онабир укага ҳам шунча, қолгани ака ва сингилга (бир эркак учун икки аёл ҳиссаси) тегади. Аканинг ўғлига ҳеч нарса йўқ, чунки унга нисбатан рутбаси яқин ака бор.

139-мисол. Бобо, ўғил ва ука қолди:

\* Бобога  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, қолгани ўғилга ва укани тўсади.

140-мисол. Бобо, ота-онабир ака-сингил ва отабир ука қолди:

\* Бобо мероснинг ҳаммасини олиб, ака-сингил ва отабир укани тўсади.

141-мисол. Она, онанинг онаси, отанинг онаси, икки қиз, ўғилнинг қизи, ота-онабир сингил, онабир сингил ва отабир ука қолди:

\* Онага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, икки қизга  $\frac{2}{3}$  (учдан икки)си ва қолгани сингилга «асаба маал-гайр» бўлиб, тегади. Бу ерда она – ўзининг онасини ва отанинг онасини, икки қиз – ўғилнинг қизини ва онабир сингилни ва ниҳоят, ота-онабир сингил – отабир укани тўсиб қўйшиди.

142-мисол. Онабир ука, амаки, отабир амаки ва амакининг ўғли қолди:

\* Онабир укага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолгани амакига тегади, у ўз навбатида отабир амаки ва амакининг ўғлини тўсади.

143-мисол. Ота, она, бобо, онанинг онаси, эр, ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли ва қизи, ота-онабир ака-сингил, отабир ака-сингил, онабир опа-ука ва амаки қолди:

\* Отага мероснинг  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, онага ҳам шунча, эрга  $\frac{1}{4}$  (чораги) ва қолгани ўғилу қизга (ўғил учун икки қиз улуши баробарида) тегади. Боишалар ҳаммаси тўсилади.

## МУШТАРАКЛИК

Хаётда “асабалик” ва түсииш-түсилии қонун-қоидаларига мос тушмайдиган күйидагича мустасно мисоллар ҳам учраши мумкин:

Бир аёл киши – эрини, онаси, онабир ака-укаларини ва ота-онабир ака-укаларини ташлаб вафот этса, биз ўрганган қоидаларга биноан, ўртада фарзандлари бўлмагани учун, эр мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми)ни, она  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)ини, онабир ака-укалар  $\frac{1}{3}$  (учдан бири)ни олишгач, мерос тугаб қолади-да, ота-онабир ака-укаларга ҳеч вақо қолмайди. Ҳолбуки, улар она тарафидан ҳам, ота томондан ҳам яқинлиги аниқ ва меросга ҳаклари борлиги маълум.

Шу сабабли, ўша  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ҳиссани мавжуд онабир ака-укалар билан ота-онабир ака-укалар ўзаро баробар тақсим қилиб оладилар (*ўғил-қизларга тенг улуши билан*). *Мана шу ҳолатга муштараклик деб аталади.*

Мазкур *муштараклик* масаласи онанинг ўрнида – онанинг онаси бўлганида ҳам шу зайлда ҳал этилади.

Аммо меросхўр эр эмас, хотин бўлса, ёки онанинг боласи якка бўлса, ёки ота-онабир фарзандлар фақат опа-сингиллардан иборат бўлган тақдирда *муштараклик ҳолати рўй бермайди*. (Масалан: 145 ва 146-мисоллар).

144-мисол. Эр, она, онабир ака-сингил, ота-онабир ака-сингил ва отабир сингил қолди:

\* Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), онага  $-\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и ва қолган  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ҳиссани онабир ака-сингил ва ота-онабир ака-сингиллар муштарак тақсимлаб оладилар. Улар отабир сингилни түсишиди. (Мерос 12 (ўн икки)га тақсим қилиниб, эрга – 6 (олти), онага – 2 (икки) ва 4 (тўрт нафар) ака-сингилларга 1 (битта)дан тегади).

145-мисол. Эр, отанинг онаси, онанинг онаси, онабир уч ака-ука, икки ота-онабир ака-ука, ота-онабир сингил ва отабир ука қолди:

\* Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), бувилар  $-\frac{1}{6}$  (олтидан бири)га тенг шерик, отабир укага ҳеч нарса (уни ота-онабир ака-укалар түсишиди), қолгани онабир уч ака-ука, ота-онабир икки ака-ука ва бир сингил ўртасида муштарак тақсим этилади. (Мерос 36 (ўттиз олти) қисмга тақсим бўлиб: 18 (ўн саккиз)и – эрга, икки бувиларга  $(3+3)=6$  (олти), ака-ука-сингилларга  $(6\times 2)=12$  (ўн

икки) улуси тегади).

146-мисол. Хотин, она, онабир икки сингил ва ота-онабир ука қолди:

\* Хотинга мероснинг  $\frac{1}{4}$  (чораги), онага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, икки сингил  $\frac{1}{3}$  (учдан бири)га тенг шерик ва қолгани (асаба бин-нафс) укага тегади. (Мерос 12 қисмга тақсимланиб: хотинга – 3, онага – 2, икки сингилга  $(2 \times 2) = 4$  ва қолган 3 қисми – укага тегади).

147-мисол. Эр, она, онабир ука ва ота-онабир ука қолди:

\* Эрга мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми), онага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, онабир укага ҳам шунча ва қолгани укага (асаба бин-нафс бўйича) тегади. (Мерос 6 (олти)га тақсим қилиниб: Эрга – 3 (уч), онага, онабир укага ва укага 1 (бир) улушдан тегади).

148-мисол. Эр, она, онабир икки сингил ва яна икки ота-онабир сингил қолди: (*Ота-онабир сингиллар борлиги сабабли, ушибу мисол муштараклик мавзусига оид эмас, балки муроса бобига оид бўлади. Агар ота-онабир ака-сингиллар бўлганида муштараклик бўлар эди.*)

\* Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) эрга, онага –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир), онабир икки сингилга –  $\frac{1}{3}$  (учдан бир) ва икки ота-онабир сингиллар  $\frac{1}{3}$  (учдан икки) улусига тенг шерик бўлсалар:  $(\frac{1}{2} + \frac{1}{6} + \frac{1}{3} + \frac{1}{3}) = 10/6$  – мерос етмайди... Демак, муросага келамиз: Меросни 6 (олти)га эмас, балки 10 (үн)га тақсим қиласиз (эрга – 3 (уч), онага – 1 (бир), онабир икки сингилга – 2 (икки), ота-онабир икки сингилга – 4 (тўрт) улуси тегади.

149-мисол. Эр, онанинг онаси, онабир икки сингил, ота-онабир сингил ва отабир икки сингил қолди:

\* Мероснинг  $\frac{1}{2}$  (ярми) эрга, бувига –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)и, онабир икки сингилга –  $\frac{1}{3}$  (учдан бир)и, ота-онабир сингилга –  $\frac{1}{2}$  (ярми) ва отабир икки сингил –  $\frac{1}{6}$  (олтидан бир)га тенг шерик бўлсалар:  $(\frac{1}{2} + \frac{1}{6} + \frac{1}{3} + \frac{1}{2} + \frac{1}{6}) = 10/6$  – мерос етмайди... Демак, муроса: Меросни 10 га бўлиб, эрга – 3 (уч), бувига – 1 (бир), онабир икки сингилга – 2 (икки), сингилга – 3 (уч), отабир икки сингилга – 1 (бир) улушдан тегади.

## БОБО ВА АКА-УКАЛАР

Юқорида бобонинг мероси ҳақида батафсил баён этилди. Куйида бобо билан ака-укаларнинг бирга мерос олиш-олмасликлари борасида тўхтаб ўтамиз. Бу ҳақда *Қур’они карим* ва *Хадиси шарифларда* аниқ-равшан зикр этилмаган.

Уламоларнинг иттифоқига кўра, бобони мерос олишдан фақат мархумнинг отаси ёки ўзидан кичик бобо тўсиши мумкин холос, бошқа хеч ким тўса олмайди. Ўз навбатида бобо мархумнинг эмикдошларини ва амакисини тўсиб қўяди.

Бироқ, унинг туғишиган ва отабир ака-укаларни тўсиштўсмаслиги саҳобийлар даврида кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган, чунончи, Абу Бакр Сиддиқ, Оиша онамиз, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анхум) ва бошқа саҳобийларнинг фикриларига кўра – бобо отанинг ўрнини босади ва отанинг ҳиссасига ҳақдор бўлиб, унинг ота-онабир ва отабир ака-ука, опа-сингилларини ҳам мерос олишдан тўсиб қўяди. Ўша саҳобийларнинг мазкур ижтиҳодини имоми Аъзам Абу Ҳанифа рахматуллоҳи алайҳ ҳам қабул қилганлар.

Мазкур саҳобийлар *Қур’они карим*нинг баъзи ўринларида «ота» калимаси бобога ҳам ишлатилганлигини далил қилиб кўрсатганлар. *Аллоҳ таолонинг қавли:*

﴿ وَأَبَيْتُ مِلَةً إِبَاءِيْ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ ﴾ يوسف: ٣٨

«Ва мен ота-боболарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг миллати – динига эргашганман» (Юсуф сураси, 38-ояти карима);

﴿ قَالُوا نَعْبُدُ إِلَهَكُمْ وَإِلَهُكُمْ إِبَاهُكُمْ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ ﴾

إِلَهًا وَنَحِدًا البقرة: ١٣٣

«Сенинг Тангринг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг Тангриси бўлмиши ягона Аллоҳга ибодат қиласиз» (*Қур’они карим*, Бақара сураси, 133-ояти карима). Маълумки, Исҳоқ – ота ва Иброҳим эса бобо эдилар.

﴿ وَكَانَ أَبُوهُمَا صَلِحًا ﴾ الكهف: ٨٢

«Уларнинг оталари жуда яхши киши эди» (*Қур’они карим*, Каҳф сураси, 82-ояти карима). Ривоятларга кўра, «оталари» деган сўздан мурод болаларнинг еттинчи отаси бўлган.

Мана шу оятлар мазмунидан келиб чиқиб, юқорида зикри келган саҳобийлар ва шунингдек, имоми Аъзам Абу Ҳанифа рахматуллоҳи алайҳ мазкур ижтиҳодни қабул қилганлар.

Аммо, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу

*Толиб розияллоху таоло анхулар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошқа бир гурӯҳ саҳобийларининг фикриларига кўра, бобо ота ўрнини боса олмайди, бинобарин, бобонинг ака-укалар билан бирга мерос олиш масаласи ўзгача тусда кечади.*

Бироқ, имомимиз *Абу Ҳанифа* раҳматуллоҳи алайҳ аввалги қавлни қабул қилганликлари сабабли, биз ҳам шу билан кифояланамиз.

## **УРУГЛАР МЕРОСИ**

*Кур’они каримда* на “фариза” ва на “асабалик” бўйича мерос олишга хақдорлар орасида зикр этилмаган марҳумнинг яқинлари “улул-арҳом” – уруғлар ҳисобланадилар. Марҳумнинг “фариза” ва “асабалик” бўйича меросхўрлари мавжуд бўлмаган пайтда, шунингдек, эр ё хотин ўз улушкини олгач, қолганини олувчи меросхўрлар бўлмаган тақдирда уруғларга меросдан ҳисса тегади.

Уруғлар тўрт турли бўлади:

1. Марҳумнинг қизининг ўғил ва қизлари, ҳамда ўғлининг қизининг фарзандлари;
2. Марҳумнинг усул тарафидан бобо ва бувилари – онананг отаси, отанинг онасининг отаси, отанинг онасининг онасининг отаси ва шулар каби “фариза” ва “асабалик” мероси олмайдиган аждодлари;
3. Марҳумнинг ота-онасининг баъзи фуруълари: а) Барча опа-сингилларининг ўғил-қизлари (ота-онабир, отабир ва онабир опа-сингилларнинг болалари); б) Ота-онабир ва отабир ака-укаларининг қизлари; в) Онабир ака-укаларининг ўғил-қизлари, ҳамда (а,б,в)дагиларнинг фуруълари. Шунингдек, маййитнинг ота ёки онасининг ҳар бир фуруълари каби “фариза” ва “асабалик” мероси олмайдиган уруғлари;
4. Марҳумнинг ота ва онаси томонидан боболарининг баъзи фуруълари: а) Барча аммалари (ўзининг ва ота-онасининг аммалари); б) Фақат онасининг амакилари; в) Барча тоға ва холалари (онасининг тоға ва холаси, ёки онанинг отасининг ака-укаси, ё опа-синглиси, ёким онанинг ака-укаси, ё опа-синглиси бўлса ҳам); шунингдек, марҳумнинг ота ва онаси томонидан боболарининг фуруълари каби “асабалик” мероси тегмайдиган уруғлари.

Мазкур уруғларга мерос беришнинг икки йўл тарафдорлари

бор:

а) *Аҳли танзил* – шофеъий, моликий ва ҳанбалий мазҳабларининг йўли;

б) *Аҳли қароба* – имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ва бир жамоа уламолар маъқуллаган йўл. Бу йўл қуидагича:

Худди «асаба бин-нафс» мероси каби *рутбасига* қараб тақсимланади. Масалан, ўғил тарафдан бирор уруғ мавжуд бўлса ўшанга, бўлмаса кейинги – ота тарафдаги уруқса ва ҳоказо.. (36-бетга қаранг).

Агар меросга даъвогар уруғ бир киши бўлиб, у билан бирга эр ёки хотин мерос олмаётган бўлса, у мероснинг ҳаммасини олади. Акс ҳолда улардан қолганини олади.

Бир тарафдан икки ва ундан ортиқ даъвогарлар жамланиб қолишиса, мерос улардан энг яқинига тегади. Бир хил даражадагилар жамланиб қолса – энг «кучлиси»га тегади.

150-мисол. Ота-онабир ака-уканинг 3 (уч) ўғиллари ва опа-сингилларининг 4 (тўрт) ўғиллари қолди:

\* *Тарика ака-уканинг 3 (уч) ўғилларига баробар тақсим этилади. Аммо, опа-сингилларининг 4 (тўрт) нафар ўғиллари эса, улулархом бўлгандиклари сабабли, меросдан қуруқ қоладилар.*

151-мисол. Ота-онабир ака-уканинг 5 (беш) ўғил ва 4 (тўрт) қизлари қолди:

\* *Тарика ота-онабир ака-уканинг 5 (беш) ўғилларига баробар тақсим этилади. Аммо, 4 (тўрт) нафар қизлари эса, улулархом бўлгандиклари сабабли, меросдан қуруқ қоладилар.*

152-мисол. Икки қизи ва 4 (тўрт) амакилари ва 2 (икки) аммаси қолди:

\* *Тариканинг 2/3 (учдан икки)си қизларга, қолган 1/3 (учдан бир)и 4 (тўрт) амакиларига тақсим бўлади. Аммалар улулархом бўлгандиклари сабабли, меросдан қуруқ қоладилар.*

153-мисол. Мархуманинг эри (холанинг ўғли), бир қизи, амакининг ўғли ва қизи қолди:

\* *Фариза бўйича меросхўр фуруъ борлиги сабабли эрга ¼ (тўртдан бир), якка қизга ½ (ярим) ва қолган ¼ (тўртдан бир)и амакининг ўғлига тақсим бўлади. Аммо эр холанинг ўғли бўлсада, қўшиимча улуши тегмайди, шунингдек, амакининг қизига ҳам мерос тегмайди.*

## **ХУНАСА МЕРОСИ**

**Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг құдрати** билан айрим кишилар кар, күр, шол ва шу каби баъзи узвий камчиликлар билан дунёга келади. Баъзилар эса, эркак ҳам эмас, хотин ҳам эмас – ҳар икки жинсий аъзоси мавжуд бўлган хунаса сифатли бўлади. Булар барчаси **Тангри таолонинг** хоҳиш-иродаси билан яратилади. Мазкур ҳолатлардан ибрат олиб, бизларни *соғ ва мукаммал* этиб яратган **Қодир Зотга** ҳамду санолар айтамиз ва бунинг шукронаси учун, ширк келтирмасдан, факат **Унинг йизагина** ибодат қилиш билан жавоб беришимиш лозим бўлади.

**Бизларга барча неъматлар Аллоҳ субҳонаху ва таоло томонидан шукр қиласизми ёки йўқми эканини имтиҳон қилиши учун берилади, улар вақтингча келиб-кетадиган бир матоҳ, фитна-алдовдан иборат, холос...**

Агар меросхўрлар орасида балогат ёшига етмаган ана шундай хунаса сифатли ворис бўлиб, унинг ўғил ёки қизлиги номаълум бўлса, унга эҳтиётдан «ўғил» мероси ажратиб қолинса-да, лекин, унга вақтингча «қиз»нинг улуши бериб турилади. Қачонки, хунасанинг жинси аниқ бўлиб (балогат ёшига етгач, ўғил боланинг овози дўриллайди, соқол-мўйлабидан, эҳтилом бўлишидан билинади, қиз бола эса кўкракларидан, ҳайз кўришидан маълум бўлади), ўғил экани маълум бўлса, мероснинг қолган иккинчи ярми ҳам унга берилади, аммо қиз экани аён бўлса, мерос тақсим қилинган пайтда ҳаёт бўлган ворисларга, ҳар кимнинг ҳиссасига кўра, қайта тақсимланади.

Агар хунаса балогат ёшига тўлса-ю, унинг жинси ноаниклигича қолаверса, у «мушиқил хунаса» – яъни, холи ноаниқ, мавҳум бўлган, одамни (ўзининг шу ҳоли сабаб) мушкил аҳволга солиб қўядиган хунаса ҳисобланади. У ҳолда, мавжуд меросхўрлар жамланиб, маслаҳат қиласилар ва ўзаро келишиб, раҳм-шафқат қилсалар хунасага берилмай қолган ярим меросни ҳам унга берадилар, ёки ўз улушларига биноан қайта тақсим қилиб оладилар.

Хунасалар турмуш кура олмайдилар, шу сабабли улардан фарзанд туғилмайди.

## **ҲОМИЛА МЕРОСИ**

Баъзан мероста ҳақдорлар орасида ҳали дунёга келмаган ҳомилалар ҳам учраб туради. Кейинчалик бу ҳақда шубҳа пайдо

бўлишининг олдини олиб, ҳомиладор аёл дарҳол ворисларга гумонасининг неча ҳафта ёки неча ойлик эканини маълум киласи, ҳамда мерос-мулк жамланиб қўйилади-да, токи фарзанд дунёга келгунга қадар кутилади.

Маълумки, ҳомила онанинг қорнида тўққиз ойдан ортиқ қолмайди. Туғилажак чақалоқ бир қиз ёки икки, ёхуд бир ўғил, ёким ундан зиёд ўғил бола бўлса, улар мерос илинжида бўлган бошқа меросхўрларни мерос олишдан тўсиб қўйишлари мумкин. Шу сабабли, токи чақалоқ дунёга келгунга қадар нақд пул, мол-дунё, кўчмас мулк ва турли хилдаги *тарика* жамланиб, унга қўл урмасдан турилади. Фарзанд туғилиб, унинг ўғил-қизлиги ва *марҳумга нисбатан ким бўлиши маълум бўлгач*, мерос мавжуд ворислар ўртасида юкорида баён этилган фароиз коидаларига мувофиқ тақсим этилади...

## **БЕДАРАК КЕТГАН ФОЙИБ ҲАҚИДА**

Уйидан чиқиб кетган, узоқ вақт унинг тирик ёки ўлик экани номаълум, хат-хабари йўқ бўлган кишига – *бедарак кетган*, ёки *дом-дараксиз гойиб* дейилади. Ундайларнинг аҳли-оиласи уни қуийидаги муддатгача кутишлари зарурдир:

**1. Бедарак гойибнинг ўлими гумон бўлган ҳолат.** Масалан: урушга кетиб қайтмаган, ёки гарқ бўлган кема ичидагиларнинг баъзилари қутулиб қолган бўлса – шу ҳақда хабар келган кундан бошлаб 4(тўрт) иш, сўнгра шаръий қозининг ўлимга ҳукми чиққунга қадар;

**2. Бедарак гойибнинг саломат қайтишига умид бўлган ҳолат.** Масалан: Бошка юртларга иши қидириб ёки саёҳат--тижорат қилиши мақсадида, ёхуд ҳажар фаризасини адo этиши, ё илм олиши ниятида уйидан чиқиб кетганларнинг тугулганидан бошлаб 90 (тўқсан) ёшига киргунларигача, сўнгра шаръий қозининг ўлимга ҳукми чиққунга қадар кутилади. Ҳозирги даврда нақлиёт ва турли алоқа воситалари мавжудлигини ҳисобга олиб, баъзи уламолар бу муддатни 70 (етмиши) ёшига киргунга қадар кутиши кераклигини айтмоқдалар.

**3. Бедарак йўқолган шахснинг нодир ҳолати:** Баъзи кимсалар номаълум ва мавхум шароитларда гойиб бўлиб, унинг на тирик ва на ўлгани тўғрисида хеч қандай маълумот топилмаса, ёхуд узоқ ўтмиш тарихда бўлиб ўтган воқеа – **Қурони карим таъбири бўйича** –

Пайғамбар Юсуф алайҳис-саломнинг бошидан кечирғанларига биноан бир неча йил зинданда қолиб кетдилар. Миср мамлакати шохининг кўрган тушининг таъбирини айтувчилар ожиз қолмаганларида ва Юсуф (а.с.) билан бирга ётган ҳамзиндининг ёдига тушмаганида яна неча йиллар унутилиб, зинданда қолиб кетган бўлур эдилар...

2002 йилда АҚШ куролли кучлари Афғонистонни босиб олгач, афғон асирларининг катта жамоасини Кубанинг оролларидан бири бўлган Гуантанамодаги лагерларга олиб бориб сақламоқда. Маҳбусларнинг сон-саноги ва исмишарифлари сир тутилиб, уларнинг на тирик ва на ўлик эканлари ҳакида хеч қандай маълумот йўқ. Шу каби воқеалар дунёning кўпгина “зўравон” мамлакатларда рўй бермоқда.

Юқоридаги каби холатларда, яъни, ғойиб маҳкумларнинг саломат мавжудлигига умид бор, деган ҳолда – бедарак кетган шахснинг умри 90 (тўқсон), ёки 70 (етмиш)га киргунга қадар, унинг тирик ёки ўликлиги маълум бўлгунча ёки қози мавжуд шарт-шароитни ўрганиб чиқиб, унинг ўлганлиги ҳакида хукм чиқармагунча кутиш лозимdir.

*Мабодо, қозининг хукмидан кейин бедарак ғойиб бўлган қайтиб келиб қолса, қозининг собиқ хукми бекор қилиниб, меросхўрларга тақсимлаб берилган тарика қайтариб олинади.*

**Бедарак йўқолган шахс ё мерос қолдирувчи, ёки меросхўр бўлиши мумкин:**

- Агар бедарак йўқолган шахс мерос қолдирувчи бўлса, унинг ўлганлиги очик-равшан далил билан аниқланмагунча ёки одатда ҳаёт бўлиши кутиладиган маълум бир муддат ўтганлигини хисобга олиб, қози унинг ўлимига ҳукм чиқармагунча барча мол-мулки саклаб турилади. Мерос қолдирувчига қози ўлим ҳукми чиқарганидан сўнг ундан қолган мол-мулк шу пайтда тирик бўлган меросхўрларга ўз улушларига биноан тақсимланади.

- Агар у меросхўр бўлса, қўйидагича ижро этилади:

A) *агар ўзидан бошқа меросхўр бўлмаса*, юқорида зикр қилинган муддатгача барча тарика унинг яқинларидан бирига амонат, ёки мусулмонарнинг “Байтул-мол”ига топширилади. Бу ишлар албатта, қози ўлим ҳукми чиқарганидан сўнг амалга оширилади. Аллоҳнинг иродаси билан бедарак шахс пайдо бўлиб қолса, фароиз қоидаларига биноан унинг ўз ҳиссаси топширилади.

*Б) агар бедарак йўқолган шахсдан боиқа меросга даъвогар (яъни, боиқа ўғил, қиз, ота ёки она) ҳам бўлса, тарика мазкур ғойибга ҳам гўё мавжуд шахс каби ажратилиб, унинг ҳиссаси кутиш муддати адо бўлгунга қадар сақланади. Қози ғойибга ўлим хукми чиқаргач, унинг учун саклаб қўйилган улуши ўзидан кейин қолган мавжуд меросхўрларига тақсим этилади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло билгувчироқдир!*

Бизнинг ҳанафий мазабда машҳур бўлган хукм шуки, *бедарак йўқолган* кишини кутиш муддати муайян йиллар билан белгиланмайди. Балки, бунинг мавжуд шарт-шароитларни ўрганиб чиқсан қозининг ижтиҳоди ҳал қиласди.

Имом Молик ва имом Шофеий мазҳабларида машҳур бўлган йўл ҳам ушбудир.

Уламолар ичидаги бу муддатни белгилаганлари ҳам бўлиб, баъзилар буни 70 йил, бошқалар эса 75 йил, деганлар. Имом Моликдан келган яна бир ривоятда бу муддат 80 йил дейилган. Имом Абу Ҳанифадан ҳам бу тўғрида яна икки ривоят бор бўлиб, бирида 90 йил, яна бирида 120 йил, деб белгиланган.

Имом Аҳмад эса, *бедарак йўқолганларни* иккига ажратиб, бири тижорат ё саёҳат каби сафарга чиқиб, кўпинча соғ-саломат уйига қайтиш эҳтимоли бўлган тоифа, иккинчиси эса урушга кетиб дом-дараксиз кетган ёки денгиз ҳалокатига учраган кемада мавжуд бўлган ва шу каби соғ-саломат қайтиши эҳтимолдан узоқ бўлган тоифадир, деганлар ва биринчи тоифани 90 йил кутишга, иккинчисини эса йўқолганидан бошлаб 4 йилгacha кутиб, келмагач, мол-мулкини меросхўрлари орасида тақсимлаб юборишга хукм килганлар.

*Эслатма:* Юқорида айтилган муайян муддатлар *бедарак кетган кишининг туғилган йилидан* бошлаб ҳисобланади, йўқолганидан бошлаб эмас.



وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِالصَّوَابِ

*Валлоҳу аъламу бис-савоб – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло  
тўғрисини билгувчироқдир!*

## Якун

Албатта, биз, ожиз банданинг ҳар бир қылган иши нүқсон ва камчиликдан холи әмас. Йўл қўйған ҳато ва ноқисликлар учун, аввало **Аллоҳ таолодан** гуноҳларимизни афв этишини тилаймиз, шунинг билан бирга сиз – азизлардан ҳам узр сўраймиз.

**Аллоҳ йўлида** садақаи жория ҳисобланажсак ушибу китобча сизнинг қўлингизга етиб боргунга қадар меҳнати сингган **Парвардигорнинг** заҳматкаши бандаларига ўз ташаккуримизни изҳор этарканмиз, уларнинг касб-корларига баракот ато этишини **Ўзидан** тилаймиз. Сизлардан эса, дуюйи хайр қилишиларингизга умид қилиб қоламиз.

وَالسَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللهِ وَبَرَكَاتُهِ

Вассалому алайкум ва раҳматуллохи ва баракотух.



**Аллоҳ таолонинг мадади** билан ҳижратнинг 1424-йили сафар ойининг 17-куни – милодий 2003-йил апрелининг 19-куни таржисма Маккаи мукаррамада ўз ниҳоясига етди.

Иккинчи – тузатилган ва тўлдирилган уибу нашири эса – 1426 йили муҳаррам ойининг 11-куни амалга оширилди.

Фикр ва мулоҳазаларни қуидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: *Саудия Арабистони Қироллиги, Маккаи мукаррама шаҳри, почта қутиси 4147, Абу Исом Нуриддин Муслиҳиддин Бухорийга. Инглизча: KSA, Makkah al-mukarrama, PO Box: 4147, Nuraddin Bukhariy.*

\*\*\*\*\*

*Пайгамбаримиз Муҳаммад алаїхис-саломга, аҳли оиласирага ва барча асҳобларга Аллоҳнинг салавотлари бўлсин! Омийн, йо Роббал-оламийн!*

## **1-Илова:**

### ***Мисоллар мундарижаси***

#### ***Мисоллар мазмуну ва рақами***

**Саҳифа:**

Ака-ука бир онда ҳалок бўлишди (15-мисол) .....	26
Амакининг ўғлининг ўғли ва отанинг амакиси қолди (51-мисол) .....	38
Бир ўғил ва бир қиз, ҳамда ўғилнинг фарзандлари қолди (26-мисол) .....	31
Бир қиз ва ота қолди (13-мисол) .....	26
Бир қизу бир ўғил қолди (21-мисол) .....	30
Бобо, ота-онаабир ака-сингил ва отабир ука (140-мисол) .....	52
Бобо, ўғил ва ука қолди (139-мисол) .....	54
Икки буви, ота-онаабир сингил, отабир сингил ва онаабир сингил (129) .....	48
Икки сингил, отабир сингил ва отабир аканинг ўғли (99-мисол) .....	45
Икки хотин, қиз, ота-онаабир сингил ва ўғилнинг қизи қолди (89-мисол) .....	43
Икки хотин, она, сингил ва отабир сингил қолди (135-мисол) .....	50
Икки хотин, ўғил ва икки қиз қолди (64-мисол) .....	40
Икки қиз ва ота қолди (20-мисол) .....	30
Икки қиз ва 4 амакилари ва аммаси қолди (152-мисол) .....	59
Икки қиз қолди (90-мисол) .....	43
Икки қиз, отанинг ота-онаабир укаси, отанинг отабир акаси ва отанинг ота-онаабир акасининг ўғли қолди (61-мисол) .....	39
Икки қиз, ўғилнинг икки қизи ва унинг невараси (93-мисол) .....	44
Катта бувилар ва амакини қолдириб невара-ўғил вафот этди (18-мисол) .....	28
Мархуманинг эри (тоганинг ўғли), бир кизи, амакининг ўғли ва қизи қолди (153-мисол) .....	59
Она ва икки ака-ука қолди (10-мисол) .....	25
Она ва отанинг отаси қолди (55-мисол) .....	39
Она ва ота-онаабир ука қолди (103-мисол) .....	45
Она ва ўғил қолди (9-мисол) .....	25
Она, амаки ва онаабир икки сингил қолди (108-мисол) .....	45
Она, бувилар, қизлар, сингиллар ва ука қолди (141-мисол) .....	54
Она, икки қиз ва ота-онаабир сингил қолди (72-мисол) .....	41
Она, онаабир ука ва сингил қолди (107-мисол) .....	45
Она, онаабир ука, ота-онаабир ака-сингил ва бошқа аканинг ўғли (138) .....	54
Она, отанинг отаси ва ўғил қолди (56-мисол) .....	39
Она, отанинг отаси, онаабир икки ука ва ота-онанинг оналари (133-мисол) .....	49
Она, отанинг отаси, ўғил ва қиз қолди (122-мисол) .....	47
Она, ота-онаабир ака-сингил ва отабир сингил қолди (66-мисол) .....	40
Она, ота-онаабир ука ва отабир ука қолди (119-мисол) .....	47
Она, ўғил ва қиз қолди (117-мисол) .....	47
Она, ўғилнинг қизи ва отанинг отаси қолди (121-мисол) .....	47
Она, қиз, ўғилнинг қизи ва отанинг отаси қолди (126-мисол) .....	48
Онаабир ака-сингил, она ва ота-онаабир ука қолди (46-мисол) .....	36

Онабир ака-ука ва ота қолди (44-мисол) .....	35
Онабир ака-ука, бир қыз ва амаки қолди (45-мисол).....	35
Онабир ука, амаки, отабир амаки ва амакининг ўғли (141-мисол).....	54
Онанинг онаси, отанинг онаси ва амаки қолди (16-мисол).....	28
Онанинг онасининг онаси, отанинг онаси ва амаки қолди (17-мисол) .....	28
Ота ва уч қызы қолди (115-мисол).....	46
Ота ва уч ўғил қолди (114-мисол).....	46
Ота ва ўғил қолди (12-мисол).....	26
Ота, она, бобо, онанинг онаси, эр, ўғил, қызы, ўғилнинг ўғли ва қизи, ота-онабир ака-сингил, отабир ака-сингил, онабир опа-ука ва амаки (143).....	54
Ота, онанибир сингил ва онанинг онаси қолди (131-мисол) .....	48
Ота, хотин ва ўғил қолди (53-мисол).....	38
Ота, ўғил ва қызы қолди (116-мисол) .....	46
Ота, қызы, онанинг онаси ва отанинг онаси қолди (132-мисол) .....	48
Отабир опа-сингил ва ота-онабир ака-ука қолди (39-мисол) .....	34
Отабир опа-сингил, ота-онабир опа ва амаки қолди (42-мисол).....	35
Отабир опа-ука ва ота-онабир икки опа-сингил қолди (43-мисол) .....	35
Отабир сингил, ота-онабир опа-сингиллар ва амаки қолди (40-мисол) .....	34
Отабир сингил, уч ота-онабир опа-сингил, кызлар ва она қолди (41) .....	34
Отабир ука ва ота-онабир аканинг ўғли қолди (52-мисол).....	38
Отанинг отаси, қызы, онанинг онаси ва отанинг онаси қолди (130-мисол).....	48
Ота-она ва онабир ука қолди (109-мисол) .....	46
Ота-она ва ота-онабир ука қолди (104-мисол).....	45
Ота-она ва уч қызы қолди (105-мисол).....	45
Ота-она ва якка қызы қолди (31-мисол) .....	32
Ота-она, якка қызы ва икки ўғилдан бир қызу бир ўғил қолди (29-мисол) .....	32
Ота-она, якка қызы ва ўғилнинг икки қызы қолди (30-мисол).....	32
Ота-она, ўғил ва икки қызы қолди (118-мисол).....	47
Ота-она, ўғил ва қызы қолди (106-мисол) .....	45
Ота-онабир ака-сингил (опа-ука) қолди (37-мисол).....	34
Ота-онабир ака-сингил ва отабир опа-сингил (96-мисол) .....	44
Ота-онабир ака-сингил, икки қызы ва она қолди (38-мисол) .....	34
Ота-онабир ака-уканинг 3 ва опа-сингилларининг 4 ўғиллари қолди (150-мисол) .....	59
Ота-онабир ака-уканинг 5 ўғил ва 4 қызылари қолди (151-мисол) .....	59
Ота-онабир ёки отабир сингил қолди (80-мисол) .....	42
Ота-онабир икки сингил, отабир сингил ва отабир амаки қолди (101) .....	45
Ота-онабир опа-сингил ва амаки қолди (33-мисол) .....	33
Ота-онабир опа-сингил ва отабир сингил қолди (94-мисол) .....	44
Ота-онабир опа-сингил, отабир ука ва сингил қолди (95-мисол) .....	44
Ота-онабир сингил ва амаки қолди (32-мисол) .....	33
Ота-онабир сингил ва отабир икки сингил қолди (127-мисол) .....	48
Ота-онабир сингил ва отабир икки сингил қолди (97-мисол) .....	44
Ота-онабир сингил ва уч қызы қолди (35-мисол).....	33
Ота-онабир сингил ва ўғил қолди (34-мисол).....	33

Ота-онаабир сингил, отабир сингил ва амаки қолди (102-мисол) .....	45
Ота-онаабир сингил, отабир ука ва сингил қолди (98-мисол) .....	44
Ота-онаабир түрт опа-сингил ва ота қолди (36-мисол) .....	34
Ота-онаабир ука ва отабир икки сингил қолди (100-мисол) .....	45
Ота-онани қолдириб қызы вафот этди (11-мисол) .....	26
Ота-онани қолдириб ўғил вафот этди (8-мисол) .....	25
Сүққабош эр қолди (77-мисол) .....	42
“Табаррук” ақа (ёки ука)га мисол .....	52
Уч қызы, ота-онаабир сингил ва отабир опа (сингил) қолди (91-мисол) .....	44
Уч қызы, ўғилнинг қызлари ва ақа-укалар қолди (27-мисол) .....	31
Уч нафар ота-онаабир ақа-укалар қолди (75-мисол) .....	42
Уч ўғил ва беш қызы қолди (62-мисол) .....	40
Уч хотин ва ўн бир ўғил қолди (5-мисол) .....	23
Хотин ва қызы қолди (88-мисол) .....	43
Хотин ва ота қолди (3-мисол) .....	23
Хотин ва ота-она қолди (7-мисол) .....	25
Хотин ва сингил қолди (87-мисол) .....	43
Хотин ва ўғил қолди (4-мисол) .....	23
Хотин, она ва отанинг отаси қолди (125-мисол) .....	47
Хотин, она, онаабир икки сингил ва ота-онаабир ука қолди (146-мисол) .....	56
Хотин, она, онаабир икки ука ва ўғилнинг қызы қолди (113-мисол) .....	46
Хотин, онаабир ука, онанинг онаси ва отанинг отаси қолди (128-мисол) .....	48
Хотин, ота-она ва отабир ука қолди (110-мисол) .....	46
Хотин, ота-онаабир аканинг ўғли, отабир уканинг ўғли ва амаки (59) .....	39
Хотин, уч қызы ва ўғилнинг ўғли қолди (65-мисол) .....	40
Хотин, ўғил ва ўғилнинг ўғли қолди (50-мисол) .....	38
Хотинни ташлаб эр вафот этди (86-мисол) .....	43
“Шум” ақа ёки укага мисол .....	53
Эр ва ота қолди (1-мисол) .....	22
Эр ва ота-она қолди (6-мисол) .....	25
Эр ва ўғил қолди (2-мисол) .....	22
Эр ва ўғилнинг қызы қолди (85-мисол) .....	43
Эр, буви, онаабир 2 сингил, ота-онаабир сингил, отабир 2 сингил (149) .....	56
Эр, бувилар, онаабир 3 ақа-ука, ота-онаабир 2 ақа-ука ва сингил.. (145) .....	55
Эр, икки қызы, она, ота-онаабир сингил ва отабир сингил қолди (136) .....	50
Эр, она ва отанинг отаси қолди (124-мисол) .....	47
Эр, она ва ота-онаабир ука қолди (112-мисол) .....	46
Эр, она, онаабир ақа-сингил, ота-онаабир ақа-сингил ва отабир сингил қолди (144) .....	55
Эр, она, онаабир икки сингил ва ота-онаабир икки сингил қолди (148) .....	56
Эр, она, онаабир ука ва ота-онаабир ука қолди (147-мисол) .....	56
Эр, отабир ақа-сингил қолди (67-мисол) .....	40
Эр, ота-она, ота-онаабир ука ва онаабир ука қолди (111-мисол) .....	46
Эр, ота-онаабир сингил ва отабир сингил қолди (134-мисол) .....	50
Эр, ота-онаабир ука ва отабир ука қолди (57-мисол) .....	39

Эр-хотин бир онда ҳалок бўлишди (14-мисол).....	26
Якка қиз ва отанинг отаси қолди (120-мисол) .....	47
Якка қиз ва ўғилнинг қизи қолди (79-мисол) .....	42
Якка қиз, ака ва сингил қолди (69-мисол).....	41
Якка қиз, икки ота-онаабир сингил, ота ва отанинг отаси қолди (60).....	39
Якка қиз, отабир ука ва ота-онаабир сингил қолди (70-мисол) .....	41
Якка қиз, отанинг отаси ва сингил қолди (58-мисол) .....	39
Якка қиз, ота-онаабир сингил, отабир ука-сингил қолди (83-мисол).....	42
Якка қиз, ўғилнинг икки қизи ва отабир сингил қолди (73-мисол) .....	42
Якка қиз, ўғилнинг икки қизу бир ўғли ва ука қолди (28-мисол) .....	32
Якка қиз, ўғилнинг қизи ва отабир ака-сингил қолди (68-мисол) .....	40
Якка қиз, ўғилнинг қизи ва сингил қолди (81-мисол).....	42
Якка қиз, ўғилнинг қизи, ўғилнинг невараси ва сингил қолди (82) .....	42
Якка қиз, ўғилнинг қизи, ўғилнинг ўғлининг ўғли-ю қизи (25).....	31
Якка қизни ташлаб она вафот этди (78-мисол).....	42
Якка ўғил ва мархумнинг уч ака-укалари қолди (76-мисол).....	42
Якка ўғил ва ота-она қолди (48-мисол) .....	37
Якка ўғил қолди (47-мисол) .....	35
Ўғил ва ука қолди (49-мисол) .....	38
Ўғил, ўғилнинг ўғли, отанинг отаси, ука ва сингил қолди (137-мисол).....	54
Ўғилнинг икки қизи ва амаки қолди (24-мисол) .....	31
Ўғилнинг икки қизи ва уч ўғли қолди (63-мисол).....	40
Ўғилнинг икки қизи, она ва отабир сингил қолди (92-мисол) .....	44
Ўғилнинг қизи ва ота қолди (54-мисол) .....	38
Ўғилнинг қизи ва отабир икки сингил қолди (74-мисол) .....	42
Ўғилнинг қизи ва ўғилнинг ўғлининг ўғли қолди (23-мисол) .....	31
Ўғилнинг қизи, отанинг отаси ва ота-онаабир ука қолди (123-мисол) .....	47
Ўғилнинг қизи, ўғилнинг ўғлининг ўғли ва сингил қолди (84-мисол).....	43
Ўғилнинг ўғли ва ўғилнинг қизи қолди (22-мисол) .....	31
Киз ва амаки қолди (19-мисол) .....	30
Киз ва ота-онаабир сингил қолди (71-мисол) .....	41

2-Илова:

## ЛУГАТ

**Авл – عَوْل** - лугавий мазмуни: адолатсизлик; бу ерда: муросага келиши.

**Абдуллоҳ ибн Аббос** розияллоҳу таоло анху – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиваччалари, саҳобаларнинг улуг уламоларидан. Бекиёс илм соҳиби бўлганиклари сабаб у кишини "денгиз", дейшишарди. Ҳижратдан уч йил илгари тугилиб, Тоиф шаҳрида ҳижрий 68-йилда вафот этганлар.

**Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос** розияллоҳу таоло анху – саҳобаларнинг пешқадам уламоларидан бўлид, саҳобалар ичида кўп ҳадис ривоят қилиши билан танилганлар. Тоиф шаҳрида ҳижрий 63-йилда вафот этганлар.

**Абу Довуд** – Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний, машҳур муҳаддис уламолардан, олти мўътабар ҳадис китобларидан бири "ас-сунан" китобининг тўпловчиси. Ҳижрий 275-йилда 70 ёнида вафот этганлар.

**Абу Ҳанифа** (раҳматуллоҳи алайҳ) – исмлари Нўъмон ибн Собит ал-Куфий. Исломдаги машҳур тўрт фикҳий мазҳаблардан бирининг асосчиси, имоми аъзам. Фикҳ илмида ўзларининг моҳирликлари билан доңг таратган бўлиб, имом Шофеий у киши ҳақида: "Одамлар фикҳ бобида Абу Ҳанифага муҳтожедир", деганлар. Ҳижрий 80-йил тугилиб, 150-йилда вафот этганлар.

**Абу Ҳурайра** розияллоҳу таоло анху – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бири бўлиб, исмлари Абдурраҳмон ибн Саҳрdir. Ҳижратнинг 57-йилидан кейин вафот этганлар. Саҳобалар ичида энг кўп ҳадис ривоят қилганлар.

**Али ибн Абу Толиб** розияллоҳу таоло анху – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиваччалари ҳамда куёвлари, чаҳорёrlарнинг тўртингчиси, жсаннати эканлиги баишорат қилинган ўн саҳобанинг бири. Ҳижратнинг 40-йилида 63 ёнида шаҳид бўлганлар.

**Аркон** – арабча رکن/أرکان «рукн» сўзининг кўплик шакли бўлиб, лугавий маъноси: асос, устун.

**Асаба** – عاصب / عصبة «аасиб» калимасининг кўплик шакли бўлиб, عصب/عصبة «асаба-яъсибу-асбан» – “ўраб, қуршаб

олмоқ” маъносини англатувчи феълдан ясалган. Киишининг асабаси дейилганда уни ҳимоя қилиб, ўзгалардан қўриб турувчи отаси, ўғиллари ва ота қариндошлари кўзда тутилади.

**Асаба бил-гайр** – عصبة بالغير – ўз ака-укалари билан биргаликда асабалик меросини олувчи қизлар, ота-онабир ва отабир она-сингиллар.

**Асаба бин-нафс** – عصبة بالنفس – насаб силсиласида аёл аралашмасдан марҳум билан бевосита ёки билвосита боғланган ҳар бир эркак киши.

**Асаба маал-гайр** – عصبة مع الغير – меросхўр қизлар мавжудлигида (боиқа асабалар йўқлигига) асабага айланиб кетувчи ота-онабир ва отабир она-сингиллар.

**Аҳли танзил** – أهل التنزيل – “улул-арҳом” (меросхўр бўлмаган) киши майитга қайси меросхўр орқали боғланган бўлса, ўша меросхўр ўрнига (манзиласига) ўтқазилади, туширилади, деювчилар. Масалан, қизнинг ўғли – қиз ўрнига, отанинг аммаси – бобо (отанинг отаси) ўрнига туширилади ва ҳоказо... Бу йўлни шофеий, моликий ва ҳанбалий мазҳаблари ихтиёр этишган..

**Аҳдул-қароба** – أهل القرابة (яқин қариндошлар аҳли) – улул-арҳом (меросхўр бўлмаган уруғлар)га худди “асаба” аҳлидек, яъни рутбаларга қараб мерос тақсимланади, дегувчилар. Бу йўлни имом Абу Ҳанифа ва бир нечта уламолар ихтиёр этганлар.

**Аҳмад ибн Ҳанбал** – тўрт фиқҳий мазҳаб имомларидан бири, машҳур муҳаддис уламолардан, “ал-Муснад” китоби муаллифи. Ҳижрий 164-йил тугилиб, 241-йил вафот этганлар.

**Балогат ёши** – Ислом аҳкомларига тўла амал қилиши фарз бўлган ёши. Бу ёши қизларда тахминан 9-15, ўғил болаларда эса 12-15 ёшини ташкил этади.

**Бидъат** – Аллоҳ субҳонаху ва таоло ва Унинг Расули томонидан жорий этилмаган ва саҳобийлар даврида бўлмаган, кейинчалик одамлар томонидан ўйлаб топилган “ибодат”лар. Бидъат залолатга етаклайди, залолат эса – дўзахга олиб боради.

**Ал-Бухорий** – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, таниқли муҳаддис уламолардан, исломда Қур’они каримдан кейинги ўринда турувчи “ал-Жомиъ ас-Саҳиъ” китобининг тўпловчиси. Ҳижрий 194-йилда Бухорода тугилиб, 256-йил Самарқанд яқинидаги Хартман қишилогида вафот этганлар.

**Вало** – өзүү қулга озодлик бахши этиши орқали унга валийнеъмат бўлиб қолмоқлик.

**Ворис – وارت меросхўр, мерос олувчи шахс, ворис.**

*Гуноҳи кабиралар – оғир, катта гуноҳлар.*

**Жаъфар ибн Абу Толиб** розияллоҳу таоло анху – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиваччалари, Исломга биринчилардан бўлиб кирган, Ҳабашистонга ҳижрат қўлганларнинг бири, ҳижратнинг 8-йили Муътада шахид бўлган.

**Жобир ибн Абдуллоҳ** – машүр аңсорий саҳобалардан бири бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга 19 газомтда қатнашганлар. Кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалардан бири. Ҳижрий 77 ёки 78-йилда Мадинада 94 ёшида вафот этганлар.

**Закот** – زکوٰة ислом динининг беш руқнларидан бири. Лугавий мазмуни: тозалаш, поклаш, ҳалоллаш.

**Ибн Масъуд** – Абдуллоҳ ибн Масъуд ал-Хузалий, биринчилардан бўлиб Исломга кирганлар, саҳобаларнинг улуг уламоларидан бири. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу таоло анхунинг халифалик даврларида Кўфага ҳокимлик қилганлар. Ҳижрратнинг 32-йили Мадина шаҳрида вафот этганлар.

**Ибн Можа** – Мұхаммад ибн Язид ал-Қазвийи, таниқты Ислом уламоларидан, олти мұътабар ҳадис китобларидан бири “ас-Сунан” китобининг түплөвчеси. Ҳижрий 273-йилда 64 ёшида вафот этгандар.

**Идда** – ھاد Ӣслом талоқ қилингган ёки эри вафот этган аёлга насл-уруглар аралашиб кетмаслиги учун муайян муддат мобайнида ўзини кузатиб, боишқа турмуши қурмай туришини буюради. Шу муддат ўтгач, ҳомила шўклиги равишан бўлади ва у аёл эрга тегиши жоиздир. Агар ҳомиладор эканлиги маълум бўлса, бола түгилиб, нифос муддати ўтгандан кейин боишқа турмуши қуршиши мумкин. Мана шу кутииш вақтини "идда" деб аталади. (Шаikh Алоуддин МАНСУРнинг Бақара сураси, 228-оятга берган изоҳига қаранг).

**Ижтиҳод** – араб тилидан олинган бу сўз "тиришмоқ, ҳаракат құлмоқ" маъносида бўлиб, истилоҳда: араб тили ва шариат илмларини мукаммал әгаллаган алломанинг Кур’он ва Суннатда ҳукми муфассал келмаган масалаларинг бирида шаръий ҳукмни аниқлаш йўлида бор кучини сарфлаб, қилған саъй-ҳаракати, урининишини англатади.

*Илмул-фароиз* – علم الفرائض меросни шариатга мувофиқ

*тақсимлаши имми.*

**Каффорат** – *كفارۃ* эваз, жарима маъносидаги сўз бўлиб, айрим ибодатларни адo эта олмаган шахслар зиммасига юкланган ҳақ.

**Мазҳаб** – *مذہب* лугавий мазмуни: йўл, йўналиши.

**Майит** – *میت* вафот этувчи, бу дунёдан охиратга риҳлат этган одам..

**Марҳум** – *مرحوم* бу ерда: майит маъносида. Лугавий мазмуни: Аллоҳ ўз раҳматига олган.

**Мерос** – *میراث* майитдан қолган ва меросхўрларга тақсимланажсак мол-мулк.

**Меросхўр** – майит томонидан ташлаб кетилган меросга ҳақдор шахс.

**Муттақи** – *المتقی* тақводор, яъни Аллоҳнинг азобидан қўрқувчи, художжўй.

**Муттафақун алайҳ** – *متفق علیه* имом ал-Бухорий ва имом Муслимнинг саҳиҳларида келган ҳадис.

**Муъта газоти** – ҳижрий 8-йилда Рум (Византия)ликлар билан саҳобалар ўртасида Мадинанинг шимолида, Шом яқинидаги Муъта номли ерда бўлиб ўтган газот.

**Мугийра ибн Шуъба** розияллоҳу таоло анҳу – Тоиф ва унинг атрофида жойлашган Сақиф қабиласига мансуб ушибу саҳобий Худайбия сулҳидан илгари исломга кирганлар. Кейинчалик тўрт одил халифа даврларида Басрага сўнгра Кўфага ҳоким бўлганлар. Ҳижрий 50-йилда вафот этганлар.

**Муҳаммад ибн Маслама ал-Ансорий** розияллоҳу таоло анҳу – ансорийлар орасида биринчилардан бўлиб исломга кирган буюк саҳобалардан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан деярли барча газотларда қатнашганлар. Ҳижрий 43-йили Мадинада 77 ёйда вафот этганлар.

**Оиша** (розияллоҳу таоло анҳо) – Халифа Абу Бакр розияллоҳу таоло анҳунинг қизлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжсалари, саҳобаларнинг улуг уламоларидан. Ҳижрий 57-йил 65 ёйларида вафот этганлар.

**Рұмба** – *رتبة* лугавий мазмуни: дараҷса, погона. Бу ерда: қариндошлиқ орқали марҳумга яқинлилик дараҷасаси.

**Садақа** – *صدقة* Аллоҳ ўйлида муҳтожларга қилинган ҳайр, худойи.

**Садақайи жория** – *صدقة جارية* савоби мунтазам бориб тургувчи садақа.

**Саъд ибн ар-Рабийъ** розияллоҳу таоло анҳу – ансорийларнинг дастлабки гуруҳи мусулмон бўлганда сайланган 12

нақиблардан бири. Ҳижератнинг 3-йили Ухуд ғазотида шаҳид бўлганлар.

**Саҳобий** (кўпл. асҳоб) – صحابي/ أصحاب Пайгамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафдошлари.

**Судхўрлик** – маълум бир фойда эвазига бирон муҳлатга вактингча маблаг бериб туриши. У етти гуноҳи кабиранинг бири саналади.

**Суннат** – السنة Аллоҳ таолонинг охирги Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан адо этилган ёки рухсат берилган, ёинки рози бўлинган амал ва сўзлар.

**Талоқи боин** – الطلاق البائن эрнинг ўз хотинига нисбатан қўллайдиган талоқларининг охиргиси.

**Тарика** – التركۃ Маййит вафотидан сўнг қолдирган барча молмулк.

**Ат-Тирмизий** – Муҳаммад ибн Исо ат-Тирмизий, таниқли муҳаддис уламолардан, Исломда мўътабар олти ҳадис китоблариidan бири “Ал-жомиъ ас-сунан” китобининг муаллифи. Тақрибан ҳижрий 210-йил туғилиб, 279-йил вафот этилганлар.

**Тўсилмоқ** – айрим меросхўрларнинг бошқа ворислар сабабли меросдан тўлиқ ёки қисман маҳрум бўлиши.

**Улул-арҳом** – اول الارحام “уруглар”га қаранг.

**Улуши** – меросхўрга тегиши лозим бўлган ҳисса, бўлак, қисм.

**Умариятайн** – العمریتین Халифа Умар розияллоҳу таоло анху ижтиҳодлари билан жорий бўлган икки мас’ала.

**Ургулар** – марҳумнинг на “фариза” ва на “асабалик” бўйича мерос олишига ҳақдор бўлмаган яқинлари.

**Усул** – أصل / أصول (айнан тарж: Асослар, илдизлар, томирлар) – мерос қолдирувчининг ёргу дунёга келишига сабабчи бўлган унинг ота-онаси ва аждодлари.

**Фарз** – الفرض барча мусулмонларнинг бажарииши қатъий лозим бўлган амал.

**Фарзанд** – бу ерда: ўғил ва қиз болалар.

**Фарзи кифоя** – мусулмонлардан баъзилари бажарса қолганларидан гуноҳи соқит бўладиган фарз амали.

**Фариза мероси** – الفريضة Аллоҳ субҳонаху ва таоло томонидан Кур’они каримда меросхўрларга белгилаб қўйилган муайян ҳисса, улущи.

**Фариза эгалари** – Кур’они каримда зикр этилган муайян миқдордаги улущи эгалари, яъни: эр, хотин(лар), она, ота, бобо (отанинг отаси), буви (отанинг онаси), қиз, ўғилнинг

қизи, ота-онабир ва отабир опа-сингил, онабир ака-ука ва опа-сингил(лар).

**Фасх** – **الفسخ** талоқ сүзи айтилмаса-да, талоқ маъносида ажралишини ифода этиши ҳолати.

**Фурӯъ** – **الفروع** айнан таржимаси: шохлар, тармоқлар, бу ерда: мерос қолдирувчининг фарзандлари (ўғил-қизлар, ўғилнинг ўғил-қизлари ва ҳоказо).

**Шаҳид** – **الشهيد** Аллоҳ йўлида бўлган жсангда жон фидо қилган мусулмон.

**Эмикдоши(лар)** – бу ерда: онабир ака-ука, опа-сингил, ака-сингил ва опа-ука(лар).

**Қариндоши** – ургу, қавму қариндоши. Бу ерда: марҳумнинг меросга ҳақдор яқинлари.

**Ҳавошӣ** – **الحواشی** (айнан тарж: ҳошиялар, жияклар) – усулнинг фуруълари, яъни мерос қолдирувчининг ака-ука, амакилари ёки уларнинг ўғиллари.

**Ҳад** (кўпл. Ҳудуд) – **حد** /  **حد** чегара. Бу ерда : шариат ҳукмлари тақиқлаган ўрин.

**Ҳажбадал** – ҳаж жибодатини адo этишига қодир, аммо имконияти бўлмаган мусулмон учун аввал ҳаж қилган киши томонидан унинг маблаги эвазига мазкур амални бажарии.

**Ҳалол** – **الحلال** шариат ҳукмлари бўйича рухсат этилган амал. Акси – ҳаром.

**Ҳанут** – **الحانوت** хушибўй гиёҳлардан тайёрланган муамтар суюқлик.

**Ҳаром** – **الحرام** шариат ҳукмлари бўйича манъ қилинган амал.. Акси – ҳалол.

**Ҳисса** – **حصة** қаранг: улуш.

**Ал-Ҳоким** – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Нисобурий, таниқли муҳаддис уламолардан бири. “ал-Мустадрак алас-саҳиҳайн” китоби муаллифи. Ҳижрий 321-йил туғилиб, 405-йил вафот этганлар.

**Ҳукман ўлим** – бедарак кетган одамни маълум бир муддат кутиши ва излаш натижасиз тугагандан сўнг, умид узилгач, унга нисбатан қози тарафидан чиқариладиган ҳукм.

### 3-Илова: Мерос олиши турлари

#### а) Фариза бўйича;

Ф а р и з а л а р					
ярим	тўртдан бир	саккиздан бир	учдан бир	учдан икки	олтидан бир
Мазкур фаризалар бўйича қўйидагилар мерос олади:					
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Эр;</li> <li>- Якка қиз;</li> <li>- Ўғилнинг ёлғиз кизи;</li> <li>- Ота-онаабир опа ё сингил;</li> <li>- Отабир опа ё сингил;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Эр;</li> <li>- Хотин(лар);</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Хотин(лар);</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Она;</li> <li>- Онабир aka-ука, опа-сингиллар - эмикдошлар ;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Қизлар;</li> <li>- Ўғилнинг қизлари;</li> <li>- Ота-онаабир опа-сингиллар;</li> <li>- Отабир опа-сингиллар;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ота;</li> <li>- Она;</li> <li>- Бобо;</li> <li>- Буви;</li> <li>- Ўғилнинг киз(лар)и;</li> <li>- Отабир опа-сингил(лар);</li> <li>- Эмикдошлар ;</li> </ul>

#### б) Асабалик бўйича;

А с а б а л а р		
Асаба бин-нафс	Асаба бил-гайр	Асаба маал-гайр
<p>Булар 5 рутба:</p> <p>1-Ўғил тараф;</p> <p>2-Ота тараф;</p> <p>3-Ака-ука ва уларнинг ўғиллари тараф;</p> <p>4-Амакилар ва уларнинг ўғиллари тараф;</p> <p>5-Вало тарафи;</p>	<p>Булар:</p> <p>1-Қизлар;</p> <p>2-Ўғилнинг қизлари;</p> <p>3-Ота-онаабир опа-сингиллар;</p> <p>4-Отабир опа-сингиллар;</p>	<p>Булар:</p> <p>1-Ота-онаабир опа-сингиллар;</p> <p>2-Отабир опа-сингиллар;</p>

**4-Илова****Меросхўрлар****а) Меросхўр эркаклар;**

Меросхўрлар	Мерос олиш тартиби	
	асабалик бўйича	фариза бўйича
1. Ўғил	√	
2. Ўғилнинг ўғли	√	
3. Ота	√	√ ( $\frac{1}{6}$ )
4. Отанинг отаси	√	√ ( $\frac{1}{6}$ )
5. Ота-онабир ака-ука	√	
6. Отабир ака-ука	√	
7. Онабир ака-ука		√ ( $\frac{1}{6}$ ёки $\frac{1}{3}$ )
8. Ота-онабир ака-уканинг ўғли	√	
9. Отабир ака-уканинг ўғли	√	
10. Ота-онабир амаки	√	
11. Отабир амаки	√	
12. Ота-онабир амакининг ўғли	√	
13. Отабир амакининг ўғли	√	
14. Эр		√ ( $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{1}{4}$ )
15. Озодлик бахш этувчи	√	

**б) Меросхўр аёллар;**

Меросхўрлар	Мерос олиш тартиби	
	фариза бўйича	асабалик бўйича
1. Қиз	√ ( $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{2}{3}$ )	√ (бил-гайр)
2. Ўғилнинг қизи	√ ( $\frac{1}{2}$ , $\frac{2}{3}$ ёки $\frac{1}{6}$ )	√ (бил-гайр)
3. Она	√ ( $\frac{1}{3}$ ёки $\frac{1}{6}$ )	
4. Онанинг онаси	√ ( $\frac{1}{6}$ )	
5. Отанинг онаси	√ ( $\frac{1}{6}$ )	
6. Ота-онабир опа-сингил	√ ( $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{2}{3}$ )	√ (бил-гайр ва маал-гайр)
7. Отабир опа-сингил	√ ( $\frac{1}{2}$ , $\frac{2}{3}$ ёки $\frac{1}{6}$ )	√ (бил-гайр ва маал-гайр)
8. Онабир опа-сингил	√ ( $\frac{1}{6}$ ёки $\frac{1}{3}$ )	
9. Хотин	√ ( $\frac{1}{4}$ ёки $\frac{1}{8}$ )	
10. Озодлик бахш этувчи		√ (бин-нафс)

## МУНДАРИЖА

<u>Таржимондан:</u> .....	4
<u>Муқаддима</u> .....	5
<u>Фароиз илми</u> .....	15
<u>Кириш</u> .....	15
<u>Тарика билан боғлиқ бўлган Ҳақ-Хуқуқлар</u> .....	15
<u>Мероснинг аркони</u> .....	17
<u>Мерос шартлари</u> .....	17
<u>Меросга ҳақдорлик сабаблари</u> .....	18
<u>Мерос сабаб-омилларига таалтуқли масалалар</u> .....	19
<u>Мерос олишдан ман Қилувчи омиллар</u> .....	21
<u>Мерос олиш турлари</u> .....	21
<u>Фариза эгалари</u> .....	22
1. Эрнинг мероси .....	22
2. Хотиннинг мероси .....	22
3. Онанинг мероси .....	23
4. Отанинг мероси.....	25
5. Бобонинг мероси.....	25
6. Бувининг мероси.....	27
7. Қизнинг мероси.....	29
8. Ўғилнинг Қизлари мероси.....	30
9. Ота-онабир опа-сингиллар мероси .....	32
10. Отабир опа-сингил мероси .....	34
11. Эмикдошлар мероси .....	35
<u>Асабалик мероси</u> .....	36
1. “Асаба бин-нафс”.....	36
«Асаба бин-нафс» рутбалари .....	37
2. “Асаба бил-Ғайр” .....	39
3. “Асаба маал-Ғайр”.....	41
<u>Ҳар хил мисоллар</u> .....	42
<u>Муросага келиш ва Қайтариш</u> .....	49
<u>Муросага келиш Ҳолати</u> .....	49
<u>Тўсиш – тўсилиш</u> .....	50
<u>Мутлақ тўсувчи-тўсилувчиларни кўрсатувчи жадвал</u> .....	53
<u>Муштараклик</u> .....	55
<u>Бобо ва ака-укалар</u> .....	56
<u>Уруғлар мероси</u> .....	58

<u>Хунаса мероси</u> .....	60
<u>Ҳомила мероси</u> .....	60
<u>Бедарак кетган Ғойиб Ҳақида</u> .....	61
<u>Якун</u> .....	64
<u>Мисоллар мундарижаси</u> .....	66
<u>Л ү ғ а т</u> .....	70
<u>Мерос олиш турлари</u> .....	76
<u>Меросхўрлар</u> .....	76
<u>М у н д а р и ж а</u> .....	78